

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 330.101(575.1)*

Баймурадов Шохрух Махмудович

**Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини
таъминлаш муаммолари**
(Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари
асосида)

5A230101 – “Иқтисодий назария”

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Ш. Ш. Шодмонов

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I - боб. Истеъмол ва Жамғарманинг мазмуни ва уларга таъсир этувчи омиллар.	
1.1. Истеъмолнинг мазмуни ва унга таъсир этувчи омиллар.	8
1.2. Жамғарманинг мазмуни, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар.	12
1.3. Истеъмол ва жамғарманинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда улар тўғрисидаги турлича назариялар.	28
I – боб бўйича хулосалар.	37
II - боб. Истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатларнинг ҳозирги давр ҳолати.	
2.1. Истеъмол ва жамғарма оқилона нисбатининг аҳоли турмуш даражасига таъсири.	39
2.2. Ўзбекистон Республикасида истеъмол таркибидаги ўзгаришлар таҳлили.....	43
2.3. Ўзбекистонда Марказий банкнинг депозит сиёсати ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили.	50
II – боб бўйича хулосалар.	61
III-боб. Ўзбекистон Республикасида истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш йўналишлари.	
3.1. Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлашда аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб қилишнинг роли ва устувор йўналишлари.	63
3.2. Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлашнинг инновацион йўллари.	72
III – боб бўйича хулосалар.	75
Хулоса ва таклифлар.	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	82

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол ва жамғарма табиий ўзгариб туриш хусусиятига эга.

Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблиги мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу мутаносибликка эришиш учун аҳоли даромадларини мунтазам равишда ошиб боришини назорат қилиш, даромадларни жамғармалар яратиш шароити даражасига кўтариш, бўш пул маблағларини депозит ҳисоб варақларига жалб этиш ва уларни қайта тақсимлаш, мутаносибликни таъминлаш мақсадида янги инновацион усуллардан фойдаланиш лозим. Республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тезлаштириш истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлашнинг асосий шарт-шароити ҳисобланади.

Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллий даромад ҳисобланади. Миллий даромад таркибида турли солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин аҳоли қўлида қоладиган даромад истеъмол сарфлари ва шахсий жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. Аҳоли қўлида қоладиган даромад унинг ихтиёридаги ёки соф даромад деб аталади.

Президентимиз ўз маърузасида “Биз бир оддий ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”¹, деб таъкидлаб ўтди.

Инвестицияларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб, аҳолининг бўш пул маблағлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда аҳолининг бўш пул

¹ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
<http://mineconomy.gov.uz/uz/node/787>

маблағларини тижорат банкларига жалб қилиш натижасида банкларнинг ресурс базаси янада мустаҳкамланиб, уларнинг кредит бериш имконияти янада ошади. Бу эса ўз навбатида иқтисодийтимизни жадал суратлар билан ўсишига шароит яратади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Шунга кўра, бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари, истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган магистрлик диссертация ишининг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предметининг белгиланиши.

Тадқиқот объекти сифатида истеъмол ва жамғарманинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар ва уларда юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда анъанавий ва инновацион усуллардан фойдаланишнинг назарий асослари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш юзасидан илмий ҳулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- истеъмолнинг мазмуни ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- жамғарманинг мазмуни, турлари ва унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш;
- истеъмол ва жамғарманинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда улар тўғрисидаги турлича назарияларни илмий тадқиқ қилиш;
- истеъмол ва жамғарма оқилона нисбатининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасида истеъмол таркибидаги ўзгаришлар таҳлилини амалга ошириш;
- Ўзбекистонда Марказий банкнинг депозит сиёсати ва унинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлашда аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб қилишнинг роли ва устивор йўналишларини аниқлаш;
- истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш бўйича илмий хулоса ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фазалари.

Истеъмол ва жамғарманинг мазмуни ва уларга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилади.

Истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатларнинг ҳозирги давр ҳолати таҳлил қилинади.

Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш юзасидан илмий тавсия ва амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ҳорижда истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигининг назарий ва услубий масалаларини асослашга А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Ж.М.Кейнс, Хансен, Ф.Перру, А.Пигу, Л.Эдхард, А.Б.Аникин, П.Самуэльсон, Р.Харрот, Ф.Махлуп ва бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар катта хисса қўшганлар.

Ўзбекистонда истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигининг назарий ва услубий масалалари энг аввало Призидентимиз И.А.Каримовнинг қатор асарларида, маъруза ва нутқларида баён этилган. Шунингдек, истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Б.Ю.Ходиев Ё.Абдуллаев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.Н.Зайнитдтнов, Н.Х.Жумаев, Н.М.Махмудов, А.В.Вахобов, Ш.Ш.Шодмонов, Т.С.Расулов, Б.Беркинов Р.А.Юсупов,

Б.Т.Салимов, М.Исоқов, У.В.Ғофуров, Ш.И.Мустафакулов ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ўрганилган.

Шунингдек, илмий ишнинг маълумот базаси тариқасида Ўзбекистон Республикасининг мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш бўйича қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Статистика давлат қўмитасининг маълумот ва материаллари кенг қўлланилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий-тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Диссертация ишида эришилган ва ҳимояга олиб чиқиладиган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- истеъмол ва жамғарманинг мазмуни, турлари ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар аниқлаб берилган;
- истеъмол ва жамғарманинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда улар тўғрисидаги турлича назариялар, муайян тизимга солинган ва шарҳлаб берилган;
- истеъмол ва жамғарма оқилона нисбатларининг аҳоли турмуш тарзига таъсири ўрганилган;
- Ўзбекистон Республикасида истеъмол таркибидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган;
- Ўзбекистонда Марказий банкнинг депозит сиёсати ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган;
- Ўзбекистонда истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблиги муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси томонидан ушбу масалага боғлиқ бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, саккизта банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I - боб. Истеъмол ва Жамғарманинг мазмуни ва уларга таъсир этувчи омиллар.

1.1 Истеъмолнинг мазмуни ва унга таъсир этувчи омиллар.

Миллий иқтисодиётнинг яратишдан ҳосил бўлган миллий даромад истеъмол ва жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади. Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади. Истеъмол якка тартибда ва жамоа бўлиб истеъмол қилинади ва уларни фарқи бўлади. Алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши якка тартибдаги истеъмолга, жамият аъзолари турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиш жамоа бўлиб истеъмол қилишни билдиради.

Миллий даромаднинг ($MD = ZM + QM$) жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга сарфланувчи қисми истеъмол фонди деб аталади.

Истеъмол фонди барча аҳолининг шахсий истеъмолини аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек илмий муассасалардаги барча сарфларни ўз ичига олади. Аҳоли ва давлатни жамғармаси миллий даромаднинг (QM) қисмидан шакллантиради.

Истеъмол товарлари ҳажмини ўрганишдан асосий мақсад – унинг аҳоли тўлов қобилияти билан мутаносиблик даражасини аниқлаш ва улар ўртасидаги тафовутни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Истеъмол товарлари хусусиятини ўрганиш бевосита истеъмол товарлари бозори сегментларини аниқлашни тоқозо этади ва улар

истеъмолчилар талабига мувофиқ, товарни таклиф этилишини ва товарларга бўлган талабнинг қатъийлигини таъминлайди.

Умуман олганда истеъмол товарларини аҳоли томонидан ўз кундалик ҳаётларида истеъмол қилиш учун зарур бўлган товарлар бўлиб, уларни истеъмол қилиш муддатига кўра икки турга бўлиш мумкин (1-расм).


Шунингдек, аҳолига шифокорлар, сартарошлар ва бошқа турдаги якка тартибда кўрсатиладиган турли-туман хизматлар ҳам бугунги кунда иқтисодчилар томонидан истеъмол товарлари таркибига киритилмоқда. Истеъмол товарларига баъзи адабиётларда “пировард” маҳсулот деб карашади. Яъни истеъмол товарлари якуний маҳсулот бўлиб, аҳоли томонидан бевосита истеъмол қилиниши учун бозорга олиб чиқилган товарлардир. Қайта ишлаш, бошқа бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида ишлаб чиқарилган товарлар, хом ашё ресурслари истеъмол товарлари туркумига киритилмайди.



1-расм. Истеъмол товарларини истеъмол қилиниш муддатига кўра бўлиниши²

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Истеъмол товарлари истеъмол қилинишига кўра эса уч қисмга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расм. Истеъмол товарлари истеъмол қилинишига кўра турлари³

Аҳоли истеъмол товарларига бўлган талаблари шаклланишида қуйидаги умумий омиллар муҳим рол ўйнайди:

- ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлар, даромад ва билим даражаси, машғулоти тури билан тавсифланувчи ижтимоий гуруҳ;
- этник гуруҳ – миллат (ўзбек, рус, тожик, араб ва бошқ.);
- демографик гуруҳ - ёши, жинси, дини, оила аъзолари сони;
- ҳаёт тарзи – ҳаётий фаоллиги, қизиқишлари, қарашлари ва демографияси.

Юқоридаги омиллар ўз ўрнида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини хусусиятини аниқлашга таъсир қилади. Истеъмол товарлари бозорининг муҳим хусусиятларидан бири аҳоли даромадлари ва ундан келиб чиқиб аҳолининг тўлов қобилиятининг ҳисобга олинишидир.

Истеъмолчиларнинг билим даражаси бевосита улар даромадлари даражасига таъсир қилади, шунингдек, уларнинг мутахассислиги ҳам тўлов қобилиятини белгиловчи омиллардан саналади. Ҳар бир мамлакатни даромад бўйича тақсимотини ўзига хос белгилари бўлиб, бу гуруҳларга бўлиш доимий бўлмай, у жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, пул муомаласини ўзгаришига қараб ўзгариб боради. Истеъмол товарлари ҳажми ва аҳолининг тўлов қобилияти ўртасидаги мутаносиблик ҳам бевосита аҳоли даромадларига қараб турли мамлакатларда турлича бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, мамлакатда истеъмол товарлари бозорини

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

шакллантирш учун қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: аҳоли тўлов қобилияти; оммавий ахборот воситалари; мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит; ҳукумат ташкилотлари ва бошқа қонун чиқарувчи органлар; фан ва техниканинг ривожланиш ҳолати; маданият ва миллий анъаналар даражаси; аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби; нарх-наво ва бошқа омиллар.

Истеъмол товарлари ва бошқа турдаги товар ва хизматлардан фойдаланишга қилинадиган ҳаражатлари қуйидагиларда деб ҳисоблаймиз:

- озиқ-овқат маҳсулотлари учун қилинадиган ҳаражатлар;
- кийим-кечакка, пойафзал, материал ва бошқаларга қилинадиган ҳаражатлар;
- мебель, хўжалик моллари ва идишлар сотиб олишга қилинадиган ҳаражатлар;
- атторлик, парфюмерия моллари сотиб олишга қилинадиган ҳаражатлар;
- спорт моллари ва маиший хизмат товарларини сотиб олишга қилинадиган ҳаражатлар;
- тамаки маҳсулотлари сотиб олишга қилинадиган ҳаражатлар;
- турли ичимликлар сотиб олишга қилинадиган ҳаражатлар;
- бошқа турдаги товарлар сотиб олишга қилинадиган ҳаражатлар;
- коммунал тўловлар учун тўлов;
- дам олиш, санитария гигиена, соғлиқни сақлаш, маиший хизматга қилинадиган ҳаражатлар;
- транспорт ва алоқа тизимидан фойдаланишга қилинадиган ҳаражатлар ва бошқ.

Аҳоли даромадларининг меъёрий ва бошқа кўрсаткичлари аҳоли тўлов қобилияти ва истеъмол товарлари ҳажми ўртасидаги мутаносибликни ўзида мужассамлаштиради. Бу мутаносиблик шундан иборатки, бунда даромадлардан келиб чиққан ҳолда истеъмол товарларига маблағ ажратилади ва ана шу маблағларга мос истеъмол товарлари ҳажми белгиланиб олинади.

Агар истеъмол товарларининг бозор нархи қанчалик паст даражада бўлса, шунчалик даражада аҳоли уларни кўп ҳажмда сотиб олиши мумкин бўлади ва аксинча, агар аҳоли даромадлари ўзгармаган ҳолда истеъмол товарлари нархи юқори даражаларда бўлса, аҳолининг харид қилиши мумкин бўлган истеъмол товарлари ҳажми шунчалик паст бўлади. Шу боисдан ҳам, аҳолининг тўлов қобилияти даражаси бевосита уларнинг даромадларига ва истеъмол товарларининг нархларига боғлиқ бўлиб қолади. Аҳоли даромадларини аниқлаш, уларнинг даромад манбаларига асосланади, агарда аҳолининг даромад манбалари қанчалик кўп ва турлича бўладиган бўлса, уларнинг тўлов қобилияти шунчалик юқори ва барқарор бўлади.

1.2. Жамғарманинг мазмуни, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар.

Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб боришидир.

Жамғариш фонди – бу барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташланса унинг ҳажмини ташкил қилади. Барча хўжаликлар даромади қуйидаги йиғиндидан иборат бўлади:

$$XD = C + S$$

Бу ерда: XD – барча хўжаликлар даромади; C – истеъмол миқдори; S – жамғарма миқдорини билдиради.

Жамғариш деб, миллий даромаднинг бир қисми асосий ва айланма капиталларни, шунингдек эҳтиёт заҳираларини кўпайтириш учун сарфланишига айтилади.

Жамғарилган маблағларининг моддий ишлаб чиқариш соҳасининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш суммасини ҳосил қилади. Ижтимоий-маданий соҳадаги жамғариш (ноишлаб чиқариш жамғариши) уй-жой фондини, касалхоналар, ўқув муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш,

спорт муассасалари, яъни номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, реконструкциялаш, янгилашга сарфланади. Жамғариш суммаси, унинг ҳажми ва таркиби такрор ишлаб чиқариш суратларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омиллардир.

Жамғариш нормаси бевосита жамғариш суммасининг бутун миллий даромад ҳажмига нисбати билан аниқланади:

$$JN = \frac{JS}{MD} \times 100\%$$

Бунда: JN – жамғариш нормаси; JS - жамғариш суммаси; MD - миллий даромад.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни ошириш иқтисодий ва салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Масалан, унинг ҳаддан ташқари ортиши натижасида инвестицион сарфлар самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин, чунки капитал маблағлар ҳажми билан қурилиш ташкилотларининг қувватлари, материаллар ва ускуналар етказиб бериш имкониятлари, инфратузилманинг ривожланиши ўртасида мутаносиблик пайдо бўлади. Оқибатда иқтисодий ўсиш пасайиб кетиши тамойилига эга бўлади. Жамғариш ҳажми миллий даромадининг бир қисмини ташкил этади ва шу сабабли миллий даромад ҳажми кўпайишини белгилайдиган омиллар жамғариш миқдорини ҳам белгилаб беради. Бу омиллардан асосийси қўлланиладиган ресурслар массаси ва уларнинг унумдорлигидир. Жамғариш миқдори ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материаллар, энергияни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам боғлиқ. Маҳсулот бирлигига уларни сарфлашни камайтириш моддий воситаларнинг ўша миқдорида маҳсулотларни кўпроқ ҳажмида ишлаб чиқаришга имкон беради.

Аҳоли жамғармалари турли хил кўринишда ташкил этилади. Жамғарма банклари ва бошқа кредит муассасалари томонидан ўзига жалб қилинадиган аҳолининг истеъмолдан ортиқча пул даромадлари бошқа жамғармаларга нисбатан каттароқ улушни ташкил қилади. Буларга Халқ банкидаги ва бошқа тижорат банклари ҳисобварақларига қўйилган омонатларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, аҳоли ўз пул маблағларини Давлатнинг қисқа муддатли ҳамда ички ютуқли заём облигацияларга, сертификат, акция ва бошқа қимматли қоғозларга қўйишлари мумкин.

Тижорат банклари уставида умумий кўрсатмалардан сўнг, банкнинг миждозлар билан бажарадиган операциялари, жумладан, аҳоли жамғармаларини омонатларга жалб қилиш бўйича операцияларни кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги кунда банкларнинг энг асосий операциялардан бири бу - омонатлар бўйича операцияларидир.

Омонат бу – омонатчи томонидан кредит муассасаларининг бирига омонат ҳисобварақаси бўйича унинг бирор муддатга сақлаш учун қўйилган вақтинча бўш турган пул маблағларидир. Омонатчи – ўзининг кундалик эҳтиёжидан ортиқча пул маблағларини жамғариш учун банкдаги ҳисобвараққа омонат тариқасида топширган ва ўз номига банкдан омонат дафтарчасини олган шахсдир. Ўзбекистон фуқаролари, бошқа давлат фуқаролари каби барча шахслар исталган тижорат банки омонатчиси бўлиши мумкин.

Халқ банкининг истаган муассасасига ҳар бир шахс ўз ортиқча пул маблағларини қўйиши мумкин. Бунинг учун бир неча омонатлар турлари бўйича ҳисобварақалар очилади. Бу омонатлар ва депозитларнинг ҳар бири бўйича белгиланган шартлари мавжуд бўлиб, уларнинг муддатлари ва улар бўйича тўланадиган даромад миқдори турлича қилиб белгиланган (1-жадвал).

1-жадвал

Халқ банкининг таклиф этаётган омонат турлари⁴

Омонатнинг номи	Депозит тури	Муддати	Йиллик фонди	Бошланғич бадал миқдори
«Болажонга мадад»	Жамғарма	Омонатчи 16 ёшга тўлгунча	11 ёшгача – 25%, 11-14 ёшгача – 23%, 14-16 ёшгача – 20%	Чекланмаган миқдорда
«Даромад-2»	Муддатли	3 ой	22%	Чекланмаган миқдорда
«Файзли»	жамғарма (қўшимча бадал	6 ойга ва автоматик	йиллик 14 фоиз	Миллий валютада

⁴ Жадвал муаллиф томонидан xb.uz – Халқ банкнинг расмий сайти маълумотлари асосида тузилган.

	киритилиши мумкин)	тарзда узайтирилади (пролонгация)		камида 500 минг сўм миқдорида
«Ишончли тўлов»	Муддатли	2 йил муддатга	йиллик 26 фоиз	чекланмаган миқдорда
«Капитал»	Муддатли	1 йил муддатга	йиллик 22 фоиз	чекланмаган миқдорда
«Коммунал тўлови»	муддатли	1 йил муддатга	йиллик 20 фоиз	чекланмаган миқдорда
«Муддатли»	Муддатли	1 йил	АҚШ доллари 6%	10 АҚШ доллари
«Нафақа»	жамғарма (қўшимча бадал киритилиши мумкин)	3 ойга ва автоматик тарзда узайтирилади (пролонгация)	йиллик 20 фоиз	чекланмаган миқдорда
«Оила фаровонлиги»	Жамғарма	1, 2 ва 3 йил муддатларга	йиллик 1 фоиз	Истеъмол кредит миқдорининг 20 фоизи, ёш оилалар учун – 10 фоизи миқдоригача
«Соғлом бола»	жамғарма (қўшимча бадал киритилиши мумкин)	омонатчи 7 ёшга тўлгунча	Марказий банкнинг қайти молиялаш ставкасининг икки баробари	миллий валютада камида 10 минг сўм миқдорида
«Талаб қилиб олингунча» (миллий валютадаги)	Талаб қилиб олингунча	Муддатсиз	1%	Чекланмаган миқдорда
«Талаб қилиб олингунча» (хорижий валютадаги)	Талаб қилиб олингунча	Муддатсиз	0,5%	Чекланмаган миқдорда
«Қалдирғоч»	муддатли	6 ой муддатга	йиллик 23 фоиз	миллий валютада камида 100 минг сўм миқдорида

Аҳоли жамғармаларининг яна бир турли заём облигацияларга қўйилган пул маблағларидир. Ўзбекистон Республикаси ички ютуқли заёми 1992 йил 1 июлдан 2012 йилнинг 1 июлгача муддатга чиқарилган. Заём облигацияларининг қиймати 250, 500 ва 1000 рубль қилиб белгиланган. 250 рубль қийматидаги облигация 500 рубль облигациянинг ярми, 1000 рубллик

облигация эса бир серияда бўлган иккита 500 рубллик облигациядан иборат. Заём облигациялари бўйича барча даромадлар ютуқ сифатида берилади. Бир йилда 4 марта ютуқлар тиражи ўтказилади. Ютуқлар суммаси 100 рублдан 10000 рублгача ташкил қилади. Ютуқ чиқмаган заём облигациялари эгалари 2012 йил 1 июлдан сўнг облигация қийматини қайтариб олишлари мумкин. Лекин ҳозирги пайтда баъзи иқтисодий сабабларга кўра вақтинчалик давлатнинг ички ютуқли заём облигациялари музлатиб қўйилган.

Халқаро банк амалиётида жалб қилинган ресурслар уларни йиғиш усулига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- депозитлар;
- нодепозит ресурслар.

Жалб қилинган маблағларнинг асосий қисмини депозитлар ташкил қилади. Депозит – бу банкларга ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига сақлашга ёки махсус-мақсадга қўйиладиган пул маблағлари ёки жисмоний шахс, корхона, муассасалар томонидан банкка қўйиладиган молиявий талабнома.

Депозитлар фақатгина омонатчига эмас, шу билан бирга, банк учун ҳам манфаатлидир. Кўпгина депозитлар орқали банкнинг ссуда капитали шаклланади, кейинчалик эса банк турли хўжалик соҳаларини қулай шартлар асосида кредитлайди. Депозит ва кредит фоизлари орасидаги фарқ бўш пул маблағларини жалб қилиш ва ссуда капиталини жойлаштириш борасидаги банк маржаси (мукофоти) бўлиб ҳисобланади.

Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар);
- жисмоний шахслар.

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- талаб қилиб олингунга қадар;
- муддатли;
- аҳолининг жамғарма қўйилмалари.



3 - расм. Депозит манбалари

Талаб қилинганга қадар депозитлар – бу банкни олдиндан огоҳлантирмай, миждоз томонидан хоҳлаган вақтда талаб қилиб олинадиган маблағлардир. Талаб қилиб олинганча депозитларни бир неча хусусиятларига кўра қуйидагича ифодалаш мумкин:

- талаб қилиб олинганча депозитлар бу қўйилмалар бўлиб, улар банкнинг жалб қилинган маблағларига депозитлар бўйича мажбуриятга киради.

- талаб қилиб олинганча депозитлар миждозлар томонидан исталган мақсадларда ташкил этилиши мумкин, фақатгина қонун доирасида. Одатда улар миждознинг тўлов айланмасини амалга ошириш учун ташкил этилади.

- миждоз ўз маблағларини қайтарилишини исталган вақтда талаб қилиши мумкин. Шунга айтиб ўтиш лозимки, талаб қилиш чегараси суммада чекланмаган.

- талаб қилиб олинганча депозитларга тўланадиган фоизлар бошқа депозитларникига нисбатан анча паст ёки уларга фоиз умуман тўланмайди. Бунга асосий сабаб, банклар бу қўйилмалардан бошқа депозитларга ўхшаб кредит операцияларида эркин фойдалана олмайди.

Миждозлар учун талаб қилиб олинганча депозитларнинг устунлиги ва камчилиги қуйидагилардан иборат:

- талаб қилиб олингунча депозитлари, биринчи навбатда, тўлов айланмасини амалга ошириш учун хизмат қилади. Корхоналар пул маблағларини банкда сақлашлари шарт ҳамма тўловларни айнан шу счёт орқали амалга оширишлари лозим.

- кимки нақд пулга эга бўлса, у ўз пулини йўқолишидан, ўғирланишидан ва йўқ қилинишидан сақлаши лозим. Уларни банкнинг талаб қилиб олингунча депозитларида сақлашлари билан мижозлар нақд пулни ортиқча кўтариб юриш ғамидан ҳам фориғ бўлишади.

- бу депозитларга ҳам пулларни тўлиқ ёки бўлаклаб қабул қилиниши мумкин.

Бу депозитлардан нақд пулларни Марказий банк белгиланган тартибда берилади. Банклар учун талаб қилиб олингунча депозитларнинг устунлиги ва камчилиги қуйидагилардан иборат:

- банклар бу депозитларни сақлашдан бевосита манфаатдор эмаслар, балки улар асосан бу счётларни юритишдан, яъни уларни ҳисобини юритиш, тўловларни бажариш ва ҳоказолардан даромад олишади.

- бу счётларни юритиш, уларни ҳисобини олиб бориш тўлов ва бошқа операцияларни бажариш учун банк қўшимча персоналга эҳтиёж сезади ва бу қўшимча персоналга қўшимча ҳаражат қилади.

- банк бу депозит бўйича муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан Марказий банкда пропорцияда минимал захира сақланиши лозим.

Муддатли депозитлар – бу банклар томонидан маълум муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Бу турдаги депозитлар қўйилган муддат давомида ўзгармас бўлиши лозим ва улар жорий тўловлар учун ишлатилмайди.

Муддатли депозитлар уларнинг муддатида келиб чиқиб таснифланади:

- 3 ой муддатгача депозитлар;
- 3 ойдан 6 ойгача депозитлар;
- 6 ойдан 9 ойгача депозитлар;
- 9 ойдан 12 ойгача депозитлар;

- 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағлар.

Муддатли қўйилмалар маблағларни шартнома бўйича муддат ва шартларда тўлиқ банк ихтиёрига беришни англатади, бу муддат тугаши билан муддатли қўйилма хоҳлаган вақтда эгаси томонидан қайтариб олиниши мумкин. Муддатли қўйилма бўйича тўланадиган фоиз ҳажми депозит муддати, суммаси ва шартномани пул қўювчи томонидан бажарилишига боғлиқдир. Қўйилманинг муддат ва суммаси қанча катта бўлса, фоизи ҳам шунчалик юқори бўлади. Пул қўювчи томонидан қўйилма бўйича маблағлар муддатидан олдин олинганда у шартномада кўрсатилган фоизлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум бўлиши мумкин. Одатда бундай ҳолларда фоизлар талаб қилингунча қўйилмаларга тўланадиган фоизлар ҳажмигача пасайтирилади.

Муддатли депозитлар депозитларнинг бошқа турларига нисбатан банкка барқарор ресурс базасини таъминлайди. Шу боис, тижорат банклари муддатли депозитлар салмоғини кўпайтиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Муддатли депозитлар қўйидаги хусусиятларга эга:

- аниқ муддатга эга ва улар бўйича ўзгармас фоиз тўланади;
- жорий ҳисоб-китоблар учун фойдаланилмайди;
- миқдор томонидан муддатидан олдин олинмаслиги лозим, акс ҳолда фоиз тўлаш бўйича шартнома шартлари бекор қилинади ва талаб қилиб олингунча депозит миқдорида фоиз тўланиши мумкин;
- маблағлар секин айланади, узок муддатли ссудаларга йўналтирилади;
- мажбурий заҳира меъёри нисбатан паст бўлиши мумкин.

Жамғарма депозитлари аҳоли пул жамғармаларининг тўпланиши учун хизмат қилади. Жамғарма депозитларига пул маблағларини жамғариш ёки сақлаш мақсадида шакллантирилган қўйилмалар киради. Уларнинг ўзига хос томонлари – сақлашнинг рағбатлантирилиши, юқори даромадлилик даражаси ва маълум давр ичида жамғармарилиб бориши кабилар ҳисобланади.

Жамғарма депозитлари бу қўйилмаларни деярли барча банклар қабул қилади, фақатгина бошқа соҳага ихтисослашган банклар қабул қилмаслиги

мумкин. Хорижий банкларда жамғарма қўйилмалари рентабелликни таъминлаш учун молиялаштиришни асосий манбаларидан ҳисобланади. Бу депозитнинг муддатли депозитдан фарқи шундан иборатки, бу депозитга қўпинча аҳоли қўйилмалари қабул қилинади, муддатли депозитларга эса суммаси юқори бўлган қўйилмалар қабул қилинади. Жамғарма депозитларига қўйилмалар бўлаклаб қўйилиши ёки олинishi мумкин. Мижоз ҳар доим ҳам шахсий депозитидаги маблағни қайтаришни эркин талаб қила олмайди. У қўйилмани тўлиқ ёки бир қисмини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса-да, лекин қўпинча бу муддатли мажбуриятларга боғлиқ бўлади. Жамғарма депозитларнинг банклар учун устунлиги шундан иборатки, жамғарма қўйилмалари одатда узоқ муддатли хусусиятга эга бўлади, бу эса банк учун узоқ муддатли кредитлашнинг манбаси бўлиб хизмат қилади. Банклар учун бу депозитларнинг камчилиги қуйидагилардан иборат:

- бу депозитлар бўйича юқори фоизлар тўланади, натижада банкларнинг маржаси камаяди, яъни актив ва пассив кредит операциялари бўйича фоизлар айрилмаси камаяди;

- бу қўйилмаларнинг турли хил омилларга таъсирчан эканлиги (сиёсий, иқтисодий, психологик омиллар), бу эса қўйилмалар бирдан банкдан чиқиб кетишини тезлаштириб юбориши мумкин ва банкнинг ликвидлиги йўқолишига сабаб бўлади;

- банклар бу қўйилмаларни доимий равишда янгилаб тура олиш қобилиятига эга эмас.

Мижоз учун бу депозитнинг аҳамияти шундаки, мижозлар бу депозитларга пулни қўйиш билан кўзда тутилмаган ҳар хил ҳаражатлар учун резерв ташкил этади, пулни йиғади ва капитал ташкил этади.

Жамғарма депозитлар сақланиши турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- муддатли;
- ютуқли депозитлар;
- жорий рақамга қўйиладиган маблағлар;

- пластик карточкалар;
- депозит сертификатлари.

Даврий бадаллар асосида шаклланадиган жамғарма депозитлари муайян мақсадни амалга ошириш учун депозит ҳисобварақда маълум миқдорда пул суммасини жамлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар номига очилади.

Агар шахснинг номига берилган омонат дафтарчаси йўқолса ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолса, банк омонатчининг аризасига кўра унга янги омонат дафтарчасини беради.

Жамғарма депозитларининг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- омонат дафтарчаларидаги депозитлар (тақдим этувчининг номига берилган, эгаси кўрсатилган);
- ҳисобварақ ҳолати кўчирма қилинадиган депозитлар;
- хабарли депозитлар.

Жамғарма депозит ҳисобварағи очилганда банк жисмоний шахсга банкнинг барча операциялари акс эттириладиган омонат дафтарчасини беради. Ҳисобварақ ёпилган тақдирда, омонат дафтарчаси банкка қайтарилиши лозим. Депозитор омонат дафтарчасига ҳеч қачон бирон-бир ёзув киритмаслиги зарур, чунки банк нотўғри расмийлаштирилган ва тан олинмаган ёзувлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Юридик шахслар жамғарма депозит ҳисобварағини шартнома асосида белгиланган тартибда очади.

Ҳисобварақдаги ҳолати кўчирма қилинадиган депозитлар депозитларомонат дафтарчалари депозитларидан фарқли равишда шахсий ҳисобварақларда юритилади, улардан кўчирмалар шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда даврий равишда депозиторнинг манзилига жўнатиб турилади. Бу депозиторларнинг банкка қатнашдан озод қилади ва улар билан почта орқали алоқа боғлаб туриш имконини беради. Банк почта орқали омонатчининг ҳисобварағидан кўчирмаларни жўнатиш ҳаражатларини унинг ҳисобварағидан ундиради.

Хабарли жамғарма депозитнинг ўзига хослиги шундаки, депозитни ҳисобварақ ҳисобидан чиқариш олдиндан хабар бериш орқали шартномада келишилган муддатда амалга оширилади. Хабар қилиш муддати қанчалик узоқ бўлса, депозит учун фоизлар ставкаси шунча юқори бўлиши мумкин.

Ҳисобварақдан олинган кўчирмалар ва суммага доир дафтарчадаги барча ўзгаришларни депозитор ўрганиб чиқиши ҳамда ҳар қандай номувофиқлик тўғрисида зудлик билан хабар қилиши керак. Хабар қилинган номувофиқликни банк бирламчи ҳужжатлар асосида бартараф қилиши зарур.

Омонатчилар банк муассасаларидан биринчи мурожаатларида ўз омонатларини олишлари, омонатларини васият қилишлари, омонатдан пул маблағларини олишни бошқа шахсга ишонишлари, ўз омонатларини бошқа шахс номига ўтказишлари мумкин. Банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши ва мерос бўлиб қолдирилиши қонун йўли билан кафолатланади. Омонатчилар омонат бўйича фоиз кўринишидаги даромад оладилар. Омонатлардан келадиган даромадлар солиқлардан озод қилинади, яъни улар бўйича даромад солиғи олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида омонатчининг биринчи талаби бўйича омонат тўлиқ ёки қисман берилади. Учинчи шахс номига омонатга пул маблағи қўйган киши бу омонатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Номига шартли омонат қўйилган омонатчи бу омонатдаги пул маблағидан омонат қўйиш вақтида кўрсатилган ҳолатлар бажарилганда ёки аниқ шартларга риоя қилинганда фойдаланиши мумкин. Омонатчи шартли омонатни олиш учун банкка омонатни қўйишда белгиланган шартлар бажарилганлигини исботловчи ҳужжатларни тақдим қилиши шарт. Омонатни қўйишда белгиланган шартлар бажарилгунга қадар омонатчи бу омонатдан фақатгина уни қўйган шахснинг ёзма фармойиши бўйича фойдаланиши мумкин. Бошқа шахс номига шартли омонат қўйган шахс бу омонатдан уни қўйган вақтда кўрсатилган ҳолатлар ёки омонатчи томонидан белгиланган шартлар бажарилмаган, шунингдек, шартлар бажарилгунга қадар омонатчи вафот этган тақдирда фойдаланиши мумкин.

Омонатчининг ҳисобварағини юритувчи банкдан омонатдаги пул маблағи омонат дафтарчаси асосида омонатчига ёки унинг вакилига тўла ёки қисман берилади. Омонатчи бир неча шахсга ўз омонатидан фойдаланиш ҳуқуқини бериши мумкин. Омонат дафтарчаси кўрсатилмасдан, ишончнома бўйича омонатдан пул миқдорини бериш амалга оширилмайди (агар омонат бўйича ҳисобварағи пул ўтказиш йўли билан очилган ва омонат бўйича омонат дафтарчаси берилмаган бўлса, бундан истисно).

Аҳоли жамғармаларига аҳолининг ихтиёрий суғурталарини ҳам киритиш мумкин. Ихтиёрий суғуртадан республикамизнинг истаган фуқароси фойдаланиши мумкин. Бунинг учун суғурта идоралари билан шартнома тузилиб, унда тўланадиган сумма, шартнома муддати, шартнома шартлари, томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари кўрсатилади. Йиғилган пул суммаси шартномада кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг, аввалдан белгиланган даромад билан бирга қўшиб қайтарилади.

Аҳолининг жамғармалари ҳисобга олиб борилади. Масалан, Халқ банки муассасаларидаги омонатлар бўйича ҳисобварақлардаги омонатлар қолдиғи, республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган омонат миқдори, даромад олувчи аҳоли жон бошига тўғри келадиган омонат миқдори, омонатчилар сони, суғурта қилинган шахслар сони, суғурта суммаси миқдори, унинг ўртача йиллик қолдиғи, аҳолига сотиладиган заём облигациялари сони, суммаси, муомалага чиқарилган облигациялар миқдори ва ҳоказо кўрсаткичлар орқали жамғармалар бўйича маълумот олиш мумкин.

Жамғармалар аҳоли қўлида ҳам сақланиши мумкин. Бу жамғармалар турли кўринишда сақланиши мумкин. Масалан: пул кўринишида, товар моддий бойликлари шаклида, қимматбаҳо метал шаклида, кўчмас мулк шаклида ва бошқа кўринишларда сақланиши мумкин. Бундай аҳоли жамғармаларнинг қанча миқдорда эканлигини билиш қийин. Уларни аҳоли даромадлари ва ҳаражатлар баланси ва бошқа пул муомаласи режалари орқали тахминан ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Юқорида биз аҳолининг жамғармалари ва уларнинг шаклларни кўриб чиқдик. Лекин аҳоли ўзининг ортиқча пул маблағларини жамғариб бормаслиги ҳам мумкин, чунки жамғармалардан ташқари инвестициялар ҳам мавжуд. Маълумки, ҳар доим биз жамғармаларни аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ деб қараймиз. Лекин жамғармалар мазмунига чуқурроқ назар солсак, унинг даромадлар ва харажатлари ўртасидаги фарқ эмас, балки аҳоли даромадлари ва истеъмоли ўртасидаги фарқ эканлигини англаш мумкин. Аҳоли кўпинча ўз истеъмолининг нормал миқдоридан ўзини тортиб туради ва шу ҳисобидан жамғарма қилиб боришга интилади. Аҳоли жамғармалари даражасига кўра жамият ўз ресурсларини капитал қўйилмаларга йўналтиради. Бу ҳолда жамғарма қийматини қоплаш ва уни қийматини ошириш мақсадида жамғармалардан унумли фойдаланишни таъминлаш зарур бўлади. Бу шартни бажармай туриб, аҳолини жамғармаларга бўлган қизиқишини ошириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳоли учун ҳозирги шароитда инвестициялар қулай бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар бу – даромад олиш мақсадида пул маблағларини бирор ишга қўйилишидир. Жамғармаларни инвестициялаштириш турли шаклларда бўлиши мумкин. Масалан, ортиқча пул маблағларини облигация, сертификатлар, акциялар каби қимматли қоғозларга қўйиш, кўчмас мулк сотиб олиш, давлат қимматли қоғозларига пул маблағларини жойлаштириш, банклардаги омонатлар бўйича ҳисобварақаларга пул қўйиш ва ҳоказо. Умумий қилиб айтганда, инвестицияларни шундай тушуниш мумкинки, бу пул маблағларини бирор бир объектга қўйилишики, бунда улар иқтисодиётни соғломлаштиришининг асосий фактори сифатида намоён бўлиши керак.

Илгари, маъмурий-бошқарув сиёсати даврида аҳоли пул жамғармалари давлат бюджети камомадини молиялаштириш учун ишлатилар эди. Бу молиялаштириш давлат томонидан чиқарилган қарорларнинг асоссизлиги ва аҳоли пул маблағларининг унумсиз ишлатилиши билан боғлиқ эди. Ҳозирги шароитда эса аҳоли пул маблағларининг иқтисодиётдаги ўрни ўзгариб

бормоқда. Аҳоли пул маблағлари инвестициялар учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Улар ёрдамида ижтимоий капитал ортиб боради. Шу билан бирга аҳоли ижтимоий талаби чегараланган бўлади. Демак, аҳоли пул маблағларини оборотга жалб қилиш ва шу йўл билан унинг аҳоли қўлида қоладиган қисмини камайтириш бозор муносабатлари шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Бундай мураккаб муаммони аҳоли пул жамғармаларини рағбатлантириш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Шу йўл билан жамғармаларни жалб қилишнинг каналларини кенгайтириш лозим. Бундай йўналишларнинг дастлабки қадамлари давлат мулкани хусусийлаштириш, молия-кредит тизимида янги муқобил бўғинларнинг яратилиши, мавжуд молия-кредит институтлари фаолиятини универсаллаштиришни таъминлаш керак. Буларнинг ҳаммаси аҳоли жамғармаларининг давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун актив катализаторга (тезлаштирувчи восита) айланиши учун шарт-шароит яратади.

Бошқа мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида бўлгани каби, бизнинг республикамизда ҳам инфляциянинг аҳоли жамғармаларига таъсири билан боғлиқ масалалар жуда муҳимдир. Инфляциянинг жамғармаларга салбий таъсир этиши табиийдир. Чунки бунда жамғармалар тўғридан-тўғри қадрсизланади, шу сабабли ҳар қандай жамғарма тўплаш ёки инвестициялар ўз маъносини йўқотади ва аҳоли тезроқ ўз қўлидаги пулдан қутилишга ҳаракат қилади, яъни пулни бирор қимматбаҳо буюмга, масалан қимматбаҳо металл, кўчмас мулк кабиларга ёки қадрли чет эл валюталарига алмаштиради. Шунинг учун ҳукумат томонидан қадрсизланаётган жамғармалар бўйича компенсациялар тўлаш ёки индексациялар ўтказиш чора-тадбирлари кўрилади. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил феврилида қабул қилинган «Омонатлар бўйича индексация тўловларни тўлаш» ҳақидаги қарорини келтириш мумкин. Хужжатга мувофиқ 1992 йилнинг 1 январигача омонат бўйича ҳисобварақларда қолган қолдиқ миқдори 4000 марта кўпайтирилди. Ушбу кўпайтирилган, яъни индексация қилинган омонатлар 10 йил давомида

хар йили белгиланган миқдорда тўлаб борилади. Биринчи йил умумий омонат миқдорининг 10 фоизи, иккинчи йили омонат қолдиғининг 20 фоизи, учинчи йили 30 фоизи ва ҳоказо тартибда тўланиб борилади. Охириги 10-йилда омонатнинг қолган суммаси омонатчига тўланади. Шу билан бирга ҳар йилнинг охирида барча омонатларнинг қолдиғида талаб қилиб олинadиган омонат бўйича тўланадиган миқдорда фоизли даромад суммаси қўшиб борилади. Индексация тўловларини тўлаш 2005 йил охирида якунланади.

Пул маблағлари устидан бошқариш ва назорат ўрнатиш учун аҳолини жамғарма қилишга мажбур қилган шароитлар, шу билан бирга жамғариш жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиб чиқиш керак. Юқорида айтиб ўтганимиздек, аҳоли ўзларининг ортиқча пул маблағларини турли мақсадлар учун жамғариб борадилар. Жамғармаларнинг классификацияси алоҳида олинган оила ёки алоҳида шахс билан боғлиқ, лекин шу билан бирга жамиятнинг умумий ривожланиши ҳам жамғармалар ҳолатига таъсир кўрсатади. Жамғармаларни ташкил этиш имконияти аҳоли пул даромадлари ҳаракатининг даражаси ва мазмунини белгилаб беради. даромадлар ва ҳаражатлар ўртасидаги мувозанат жамғарма жараёнини ўзгаришини баҳолашнинг критерийларидан бўлиб ҳисобланади. Аҳолининг талаби ва унинг моддий таъминланиши ўртасидаги фарқ жамғарма жараёнининг нормал ҳолатининг бузилганлигидан далолат беради. Бундай ҳолат пул жамғармаларининг ҳаддан ортиқ кўпайишига олиб келади. Бундай жамғармалар бозорга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, баҳоларнинг кўтарилишига олиб келади. Бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган қизиқишни омилларни кўрсатиш мумкин:

- а) ишлаб чиқариш даражасининг истеъмоладаражасига мос келиши;
- б) ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилиши;
- в) иш ҳақи тўлаш усуллари;
- г) аҳоли пул даромадларининг турлари;
- д) баҳонинг умумий даражаси;
- е) аҳоли жамғарма турларининг ривожланиш даражаси;

ж) республикамиздаги иқтисодий барқарорлик ва бошқалар.

Давлат аҳолининг бўш турган пул маблағларини йиғиш орқали ўз ихтиёрига жуда катта миқдордаги молиявий ва кредит ресурсларини тўплайди.

Кредит муассасаларининг кўпайиши ва улар ўртасидаги миқдорлар учун рақобат шароитида аҳоли пул маблағларини хоҳлаган кредит муассасасига кўйишни танлаш ҳуқуқи ортиб боради. Аҳоли ўзининг ортиқча пул маблағини истаган шаклда жойлаштириш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги даврда жамғармалар жалб қилишнинг 3 та асосий йўли мавжуд: банк муассасаларининг омонатлари, суғурталар ва қимматли қоғозлар кўринишидаги жамғармалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Халқ банкидаги омонат кўринишидаги жамғармалар бошқа жамғарма турлари ичида энг асосий ўринни эгаллайди. Лекин ҳозирги кунда Халқ банкдан ташқари бошқа тижорат банклари ҳам аҳоли жамғармаларини омонатлар бўйича ҳисобварақларга қабул қилмоқдалар. Эндиликда омонатчилар банкларни танлаган ҳолда ўзларининг омонатларини бир ёки бир неча банкларга жойлаштиришлари мумкин. Ўзбекистон банк тизими давлат, акцияли, қўшма, ҳамда хусусий банкларни ўз ичига олади. Уларнинг кўпчилиги аҳолидан омонатлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бошқа тижорат банкларига бундай ҳуқуқнинг берилиши билан Халқ банкининг жамғармалар бозоридаги яккаҳокимлик роли камая бошлади. Ҳозирги кунда республикамизда фаолият юритаётган ТИФ Миллий банки, Агробанк, ОАТБ “Қишлоққурилишбанк”, Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Трастбанк, Ипак йўли банки, Ипотека банк, Турон банк каби бир қатор банклар Халқ банки билан бир қаторда аҳолига ўндан ортиқ омонат турларини таклиф қилмоқдалар. Уларни шартлари, муддатлари турлича бўлиб, бу ҳақда кейинги бобларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги кунда омонатлар билан бирга аҳолининг акция, облигация, сертификат каби қимматли қоғозларга қўяётган пул маблағларининг салмоғи борган сари ортиб бормоқда. Бундан ташқари суғурта иши ҳам аста-секин

ривожланиб бориб, жамғарма хизматлари бозорига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусий суғурта компаниялари ташкил этилиб, суғурта иши бўйича бутун хизмат комплексини ўзига мажассамлаштирмоқда.

Умуман, омонатчилар ўз пул маблағларининг қандай кўринишида ташкил этишни танлашда маълум критерийлардан фойдаланадилар. Улар ичида энг асосийлари омонатларни сақлашнинг кафолатланганлиги, даромадлилиги ҳамда ликвидлилигидир. Бундан ташқари, омонатчилар жамғарма қилаётганларида инфляциянинг омонатга таъсирига ҳам катта эътибор берадилар. Ҳозирги кунда аҳоли жамғармалари ичида энг инфляциядан ҳимоялангани акциялар ва корхоналар капиталида тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳисобланади. Давлат ўз навбатида, баъзи жамғарма шакллари учун қўшимча рағбатлантириш жорий қилиш орқали, жамғарма структурасига маълум ўзгаришлар киритиши мумкин. Умуман, аҳоли доимо ўзига қулай, даромадли жамғарма шаклларида фойдаланишни афзал кўради. Жамғарма бозори эгалари эса шундай жамғарма шакллари ташкил этиш ва аҳолининг пул маблағларини ўзига жалб қилиш учун доимо изланиш олиб бориши керак, жалб қилинган бу пул маблағлари улар учун энг арзон ва асосий кредит ҳамда молиявий ресурс бўлиб ҳисобланади.

1.3. Истеъмол ва жамғарманинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда улар тўғрисидаги турлича назариялар таҳлили

Миллий иқтисодиётда ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми бўлган янгидан вужудга келтирилган маҳсулот яъни сотилгандан кейинги унинг пулдаги кўриниши — миллий даромаддан истеъмол ва жамғариш мақсадларида фойдаланилади. Кенг маънода истеъмол жамият аъзолари иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнини билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда кишиларнинг истеъмол буюмларидан ва хизматлардан бевосита ўзларининг шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадида фойдаланиш тушунилади.

Истеъмол қилинадиган неъмат турига боғлиқ равишда моддий ҳамда номоддий неъмат ва хизматларни истеъмол қилишга бўлиниб ўрганилади.

Якка тартибдаги ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш ҳам фарқланади. Алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши якка тартибдаги истеъмолга, жамият аъзолари турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиши жамоа бўлиб истеъмол қилишга киради.

Келгусида истеъмол ҳажмини ошириш имконияти жорий даврдаги жамғармага ҳам боғлиқ бўлади. Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб бориши. Унинг ҳажми барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Даромад таркибида истеъмол сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарлар харид қилишга йўналтирилишини билдиради. Шунга кўра, жамғарма – бу муддат жиҳатидан кечиктирилган истеъмолни англатади. Шу билан бирга жорий даврда амалга оширилган жамғарма жорий истеъмолнинг чегирилган қисмидир, чунки жамғарма аҳоли ва корхоналар ихтиёридаги даромаднинг истеъмолга сарфланмаган қисми ҳисобланади:

$$Y = C + S,$$

бу ерда:

Y – барча хўжаликлар ихтиёридаги даромад;

C – истеъмол миқдори;

S – жамғарма миқдори.

Шу сабабли даромад таркибидаги истеъмол сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмининг жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Жамғарма, юқорида таъкидланганидек, даромадларнинг маълум бир қисмини истеъмол қилишдан чегириб қўйишни билдириб, натижада истеъмол сарфлари ҳажми барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолади. Аҳоли даромадининг жамғарилган қисми ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижасида сотилмай қолган товарларнинг қўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши рўй бериши мумкин. Иккинчидан, жамғарма талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларида ишлатилади. Бу жамғарма келтириб чиқарадиган истеъмол сарфларидаги ҳар қандай етишмасликни тўлдиради. Учинчидан, корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотини пировард истеъмолчиларга сотишни кўзда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ўз ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғармаларига тенг миқдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни кўзда тутса, ишлаб чиқариш даражаси доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллий даромаднинг ҳажми ва унинг ўзгариши ҳисобланади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.


Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади. Бу функцияларни баён этишда классик иқтисодчилар ва кейнсчиларнинг нуқтаи назарлари фарқланади. Классик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, кишилар ўз маблағларини қўшимча даромад келтирган тақдирда жамғармага

йўналтиришга ҳаракат қиладилар. Шунга кўра, банкларнинг реал фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг жамғармага қизиқишлари шу қадар кучли бўлади, яъни жамғарма реал фоиз ставкасининг ўсиб боровчи функцияси ҳисобланади. Аҳоли даромадлари истеъмол ва жамғарма маблағларининг йиғиндисидан иборат экан, реал фоиз ставкасининг ўсиши билан истеъмол пасайиб, жамғарма эса кўпайиб боради. Бошқача айтганда, классик иқтисодчилар фикрига кўра истеъмол реал фоиз ставкасининг пасайиб боровчи функцияси ҳисобланади.

Ж. М. Кейнс классик иқтисодчиларнинг бу фикрларига қарши чиқиб, уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари реал фоиз ставкасига у қадар боғлиқ эмаслигини, кишилар учун ҳамма вақт жорий истеъмолнинг келгусидаги истеъмолдан афзаллигини таъкидлайди. У истеъмол сарфлари даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида уй хўжаликларининг жорий даромадларини кўрсатади. Демак, Кейнс фикрига кўра, истеъмол - уй хўжаликлари жорий даромадларининг ўсиб боровчи функцияси ҳисобланади:

$$C = f(Y).$$

Истеъмол функциясини график кўринишида ҳам тасвирлаш мумкин (4-расм). Бунда тик ўққа истеъмол сарфлари, ётиқ ўққа эса аҳоли ихтиёридаги даромад миқдори жойлаштирилади.




4-расм. Истеъмол функциясининг графикдаги тасвири⁵

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳар иккала ўқ ўртасидан 45° остида ўтувчи OF тўғри чизик истеъмол сарфлари ва ихтиёрдаги (соф) даромаднинг миқдоран тенглигини ифодалайди. OY ўқидаги ҳар қандай даромад миқдорини ифодаловчи ушбу чизикда жойлашган нуқта OC ўқининг тегишли миқдордаги истеъмол сарфига тенг бўлади. Бошқача айтганда, уй хўжалиги соф даромаднинг барча ҳажмини тўлиқ истеъмолга сарфлайди. Бироқ, бундай тенглик амалда доимо ҳам рўй беравермайди. Истеъмол сарфлари миқдори баъзида жорий соф даромадлар миқдоридан паст бўлиши, баъзида эса ошиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун истеъмол эгри чизиги C соф даромад OF чизигига мос тушмай, унга нисбатан маълум даражада оғади. Ҳар иккала чизикнинг ўзаро кесишган B нуқтаси « 0 даражадаги жамғарма»ни англатади. Бу нуқтанинг чап томонида истеъмол сарфлари даромад миқдоридан юқори бўлиб, бу манфий жамғарма деб аталади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, реал ҳаётда истеъмолнинг маълум қисми даромад ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Масалан, бирон-бир шахснинг даромади кутилмаганда жуда паст даражага тушиб қолиши мумкин. Бироқ, бу шахс, даромади бунга имкон бермаган тақдирда ҳам, маълум даражада овқатланиш, кийиниш ва бошқа зарур истеъмол харажатларини амалга оширишга мажбур. У мазкур сарфларни ё олдинги даврда жамғарилган даромадлари ҳисобига, ёки ўзгалардан қарз олиш ҳисобига қоплаши мумкин. Иқтисодий адабиётларда истеъмол сарфларининг бу даражаси автоном (яъни, жорий соф даромаддан мустақил) ҳолдаги истеъмол даражаси дейилади. Бизнинг графигимизда бу даража C_0 нуқтадан бошланади.

Чизмадаги B нуқтанинг ўнг томони эса ижобий (мусбат ишорали) жамғарма деб аталади. Айнан B нуқтада аҳоли даромадлари ва сарфларининг мувозанатига эришилади. Даромад миқдори ошиб борган сари бу мувозанат бузилиб, жамғарма миқдори ортиб боради. Чизмадаги даромаднинг Y_1 даражасида истеъмол миқдори E_1E_0 кесмадан, жамғарма миқдори эса E_0E_2 кесмадан иборат бўлади.

Жамғарма функциясининг графикдаги тасвири бир оз ўзгача кўринишда бўлади (5-расм).



5-расм. Жамғарма функциясининг графикдаги тасвири⁶

5-расмдан кўринадики, жамғарма функциясининг графикдаги тасвири истеъмол функцияси тасвирининг акси сифатида намоён бўлади. Бу графикда ҳам В нукта 0 даражадаги жамғаришни, 0Y ётиқ чизиғининг 0 даражадан пастки қисми манфий жамғаришни, юқори қисми эса ижобий (мусбат) жамғаришни англатади. E_0E_2 кесма соф даромаднинг Y_1 даражасидаги жамғарма миқдорини кўрсатади.

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига даромаддан ташқари яна бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Объектив омиллар алоҳида истеъмолчининг ихтиёрига, идрокига боғлиқ бўлмаган омиллардан иборат бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- барча хўжаликлар томонидан жамғарилган мол-мулк даражаси;
- нархлар даражаси;
- реал фоиз ставкалари;
- истеъмолчининг қарздорлиги даражаси;
- истеъмолчиларни солиққа тортиш даражаси.

Субъектив омиллар, асосан, истеъмолчининг ўзига, унинг руҳияти ва бозордаги хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бу омиллар қаторига истеъмол ва жамғаришга бўлган мойиллик, келгусидаги нарх, пул даромадлари, солиқ,

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

товарлар мавжудлиги даражасининг ўзгаришига нисбатан муносабатни киритиш мумкин. Субъектив омиллар таъсирида истеъмол ва жамғарма даражасининг ўзгаришини шартли маълумотлар асосида тузилган қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Истеъмол ва жамғарма даражаси, млрд. сўм (шартли рақамлар асосида)⁷

Йил- лар	Даромад даражаси (Y)	Истеъ- мол (C)	Жам- ғарма (S)	Истеъ- молга ўртача мойиллик (C:Y)	Жамға- ришга ўртача мойиллик (S:Y)	Истеъ- молга кейинги қўшилган мойиллик (ΔC:ΔY)	Жамға- ришга кейинги қўшилган мойиллик (ΔS:ΔY)
1995	1500	1300	200	0,87	0,13	-	-
2000	1800	1500	300	0,83	0,17	0,67	0,33
2008	2200	1700	500	0,77	0,23	0,50	0,50
2014	2500	1950	550	0,74	0,26	0,83	0,17

Жадвалдан кўринадики, йиллар давомида соф даромад ҳажми ошиб бориши билан унинг истеъмол ва жамғармага сарфланиши ўртасидаги нисбат ўзгариб бормокда. Истеъмолчиларнинг даромадлари қанчалик ўсиб борган сари уларнинг жамғармага бўлган мойилликлари шунчалик ошиб боради. Буни истеъмол ва жамғармага бўлган ўртача ва кейинги қўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали ҳам кузатиш мумкин.

Аҳоли даромадининг истеъмолга сарфланадиган улуши истеъмолга ўртача мойиллик (APC) дейилади:

$$APC = \frac{\text{Истеъмол сарфлари}}{\text{Соф даромад ҳажми}} = \frac{C}{Y}$$

Аҳоли даромадининг жамғармага кетадиган улуши эса жамғармага ўртача мойиллик (APS) дейилади:

$$APS = \frac{\text{Жамгарма сарфлари}}{\text{Соф даромад ҳажми}} = \frac{S}{Y}$$

Бизнинг мисолимизда (2-жадвал) йиллар давомида даромад ҳажми ошиб бориши билан APC пасайиб, APS эса ўсиб бормокда. Шуниси аҳамиятлики,

⁷ Жадвал муаллиф томонидан шартли рақамлар асосида тутилган.

истеъмолга ва жамғармага ўртача мойиллик кўрсаткичлари истеъмол ва жамғарманинг даромаддаги улушини англатар экан, улардан бирининг қандайдир миқдорга ўзгариши бошқа бирининг ҳам тескари йўналишда худди шундай миқдорга ўзгаришига олиб келади. Қисқача айтганда, $APC + APS = 1,0$ бўлади. Шунингдек, истеъмол ёки жамғармага кейинги қўшилган мойиллик кўрсаткичи ҳам аҳамиятлидир. Бу кўрсаткич истеъмолчи даромадининг навбатдаги ўзгариши унинг истеъмол ва жамғармага нисбатан муносабати қандай ўзгаришини акс эттиради. даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (MPC) дейилади, яъни:

$$MPC = \frac{\text{Истеъмолдаги узгариш}}{\text{Соф даромаддаги узгариш}}$$

Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғарма ҳажмининг ўзгариши даражаси жамғармага кейинги қўшилган мойиллик (MPS) дейилади, яъни:

$$MPS = \frac{\text{Жамгармадаги узгариш}}{\text{Соф даромаддаги узгариш}} = \frac{\Delta S}{\Delta Y}$$

Демак, соф даромадининг ўсган қисми ҳам ё истеъмолга, ёки жамғармага сарфланади. Бу сарфланган қисмлар ўртасидаги нисбат ўзгарган тақдирда ҳам уларнинг умумий йиғиндиси 1га тенг бўлади, яъни:

$$MPC + MPS = 1,0 \text{ ёки } \frac{\Delta C}{\Delta Y} + \frac{\Delta S}{\Delta Y} = 1,0.$$

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга ошишида жамғариш жараёнларининг аҳамияти беқиёсдир. Шунга кўра, жамғаришнинг моҳияти, унинг омиллари ва самарадорлиги кўрсаткичларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш ёки турли тўловларга йўналтириш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Жамғарма, юқорида таъкидланганидек, даромадларнинг маълум бир қисмини истеъмол қилишдан чегириб қўйишни

билдириб, натижада истеъмол сарфлари ҳажми барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолади. Аҳоли даромадининг жамғарилган қисми ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижасида сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши рўй бериши мумкин. Яъни, аҳолининг жорий даврдаги истеъмол товарларига нисбатан тўлов қобилиятини пасайишига олиб келади.

Шунингдек, истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллий даромад ҳисобланади. Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин аҳоли кўлида қоладиган даромад истеъмол сарфлари ва шахсий жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. истеъмол ва шахсий жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Бу даромадни биз таҳлил чоғида ихтиёрдаги ёки соф даромад деб айтамыз. Демак, бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий омили ҳисобланади. Чунки жамғарма даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий жамғармани аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб чиқади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, реал ҳаётда истеъмолнинг маълум қисми даромад ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Масалан, бирон-бир шахснинг даромади кутилмаганда жуда паст даражада тушиб қолиши мумкин. Бироқ, бу шахс, даромади бунга имкон бермаган тақдирда ҳам, маълум даражада овқатланиш, кийиниш ва бошқа зарур истеъмол ҳаражатларини амалга оширишга мажбур. У мазкур сарфларни ё олдинги даврда жамғарилган даромадлари ҳисобига, ёки ўзгалардан қарз олиш ҳисобига қоплаши мумкин.

I – боб бўйича хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Миллий иқтисодийнинг яратишдан ҳосил бўлган миллий даромад истеъмол ва жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади. Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади.

Истеъмол якка тартибда ва жамоа бўлиб истеъмол қилинади ва уларни фарқи бўлади. Алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши якка тартибдаги истеъмолга, жамият аъзолари турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиш жамоа бўлиб истеъмол қилишни билдиради.

Мамлакатда истеъмол товарлари бозорини шакллантириш учун қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: аҳоли тўлов қобилияти; оммавий ахборот воситалари; мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит; ҳукумат ташкилотлари ва бошқа қонун чиқарувчи органлар; фан ва техниканинг ривожланиш ҳолати; маданият ва миллий анъаналар даражаси; аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби; нарх-наво ва бошқа омиллар.

Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб боришидир.

Жамғариш фонди – бу барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташланса унинг ҳажмини ташкил қилади. Барча хўжаликлар даромади қуйидаги йиғиндидан иборат бўлади.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни ошириш иқтисодий ва салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Масалан, унинг хаддан ташқари ортиши натижасида инвестицион сарфлар самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин.

Аҳоли жамғармалари турли хил кўринишда ташкил этилади. Жамғарма банклари ва бошқа кредит муассасалари томонидан ўзига жалб қилинадиган аҳолининг истеъмолдан ортиқча пул даромадлари бошқа жамғармаларга нисбатан каттароқ улушни ташкил қилади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллиц даромаднинг ҳажми ва унинг ўзгариши ҳисобланади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига даромаддан ташқари яна бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Объектив омиллар алоҳида истеъмолчининг ихтиёрига, идрокига боғлиқ бўлмаган омиллардан иборат бўлиб, булар барча ҳўжаликлар томонидан жамғарилган мол-мулк даражаси, нархлар даражаси, реал фоиз ставкалари, истеъмолчининг қарздорлиги даражаси, истеъмолчиларни солиққа тортиш даражаси.

II - боб. Истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатларнинг ҳозирги давр ҳолати.

2.1. Истеъмол ва жамғарма оқилона нисбатининг аҳоли турмуш даражасига таъсири

Миллий иқтисодиётимизнинг кескин ўсишига ички истеъмол бозорини такомиллаштириш борасидаги самарали тадбирлари ўз таъсирини бермоқда. Ички истеъмол бозорини харидор талаб, сифатли товарлар билан тўлдириш аҳолининг истеъмол ҳаражати кўрсаткичларининг кескин ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида 2014 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолининг истеъмол ҳаражатлари 9,5 баробар ошди. “Иқтисодий фаровонлик ишлаб чиқарилган товар ва хизматларининг (ЯИМ) миқдорига ва уларнинг тақсимланишига боғлиқ бўлади. Жамият ишлаб чиқарганига қараб истеъмол этади, лекин ишлаб чиқарганининг ҳаммасини эмас, фақат бир қисмини истеъмол этиши зарур, чунки бошқа қисми жамғарилиб, иқтисодий ўсишни ва келажакни таъминлаши керак. Шу сабабли дунёда яратилган товар ва хизматлар қийматининг 18% и жамғарма ҳосил этиб, таъминлайди”⁸.

Аҳолининг истеъмол таркиби юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони ва тури ўнлаб баробар ошди.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айтилиши вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-ҳаражатлар миқдорига муносиб равишда кўпаймоқда. Оилаларнинг узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар, жумладан, музлатгичлар, кондиционер, шахсий компьютер, рақамли телевизорлар, мобил телефон ва

⁸ Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик / А. Ўлмасов, А.П. Ваҳобов. - Т: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2006, 433-б.

бошқа замонавий маиший техника воситалари харид миқдори жадал суръатлар билан ошиб бормоқда. Ижтимоий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, 2014 йили бу рақам 41,4 тага етди⁹.

Аҳоли харид қобилиятининг ошиши унинг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларининг таъминланишига сезиларли даражада таъсир товарлар кўрсатмоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мевалар истеъмоли – 6,4 карра ошди.

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даврида – 2007-2014 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди. Шу билан бирга, бу даврда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истиқболли турлари жадал ривожланишини тахминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3 баробар ўсди.

Аҳоли тўлов қобилиятининг ортиши кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёслаганда, 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишини тақозо этди, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.


Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва

⁹ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январь.

аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 133 та телевизор, 101 та музлатгич, 66 та DVD плеер, 149 та мобил телефон тўғри келиши тасдиқлайди.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларининг сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслаганда, ҳозирги вақтда 7,2 баробар ошди (6-расм).



6-расм. Ўртача ойлик иш ҳақининг харид қобилияти (минимал истеъмол саватчасига нисбатан, марта ҳисобида)¹⁰.

Иқтисодий фаровонлик ишлаб чиқариш ҳосиласи, у қанчалик ривожланган бўлса, фаровонлик ҳам шунчалик юқори бўлади.


Иқтисодий фаровонлик қандайлиги аниқланганда қисқа вақтдаги эмас, балки нисбатан узоқ даврдаги, ҳеч бўлмаганда бир йилдаги истеъмол

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

кўрсаткичларига асосланиш талаб қилинади. Гап шундаки, конъюнктура кризиси юз берганда истеъмол пасайса, иқтисодий тангликдан чиққач у жадал ошиб боради. Демак, иқтисодий ҳолатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда фаровонлик таҳлил этилиши керак бўлади.

Фаровонлик кўрсаткичини фақат жузъий истеъмол ҳажми билан чеклаб бўлмайди. Чунки бунда жамғаришни ҳам ҳисобга олиш керак. Жамғариш эса келажақдаги фаровонликни белгилайди, шу сабабли бунинг билвосита кўрсаткич сифатида қараш мумкин. Жамғарманинг кўплиги топилган пулнинг жорий истеъмолдан ортиб қолганини билдирганидан уни ҳам фаровонликка хизмат қилади деб айтиш мумкин¹¹.

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995-2013 йилларда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000-2013 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 1995 йилга нисбатан 34,2 баробар ошганлиги бунинг ёрқин далилидир¹² (7-расм).



7-расм. Ўзбекистонда аҳоли жамғармаларининг ўсиши (1995 йилга нисбатан)¹³.

¹¹ Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик / А. Ўлмасов, А.П. Ваҳобов. - Т: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006, 433-б.

¹² 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // "Халқ сўзи" газетаси, 2014 йил 18 январь.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга. 2013 йилда Ўзбекистондаги барча инвестициялар ҳажмининг 20 фоиздан ортиғини аҳоли инвестициялари ташкил этди.¹⁴

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизини ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

2.2. Ўзбекистон Республикасида истеъмол таркибидаги ўзгаришлар таҳлили

Миллий қадриятларимизнинг янги тус олаётган анъаналардан яна бири – давлатимиз Президентимиз томонидан ҳар бир йилга ном алоҳида ном бериш ва ушбу йўналиш борасида ҳукуматимиз томонидан махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, унинг бажарилиши учун лозим бўлган энг муҳим мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар ҳамда таалукли молиявий манбалар белгилаб берилиши табиий одатга айланиб қолди.

Президентимиз давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган мажлисда ўз маърузасида кириб келаётган янги –

¹⁴ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январь.

2014 йилга ном бериш негизда авваламбор ҳар бир оиладаги фарзандларимиз, қолаверса, бутун халқимизнинг келажагини тараққий этилишида ўз ўрнига эга, билим ва ақл жиҳатидан жамиятимизнинг эзгу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўз ҳиссасини қўшишга, олдидаги фарзандлик вазифаларни амалга оширишга соғлом ва бақувват, ҳар жиҳатдан ривожланган, ҳозирги замон дунёқарашга эга болаларни фояга етказиш ва тарбиялаш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

“Соғлом бола” давлат дастурини ишлаб чиқишда энг аввало маҳаллаларда истиқомат қилаётган оилаларда, кўп қаватли уйлардаги ҳар бир фуқароларнинг ва уларнинг фарзандларининг озиқ-овқатга, дам олиш, спорт иншоотларидан фойдаланиш ва даволаниш муассасаларида эҳтиёжи муносиб имконларни муҳайё қилиш ва янада ривожлантиришга йўналтирилган чоратadbирларга эътибор қаратиш зарур бўлади.

“Соғлом бола йили” дастури бўйича болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2014 йилда 115 та болалар спорт объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни асосан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиши муҳим аҳамиятга эга¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январ куни бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида давлатимиз ва жамиятимиз учун муҳим бўлган йўналишлари ва устувор вазифалари белгиланди. Улар орасида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширилишини таъминлаш ана шундай йўналиш ва вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

¹⁵ Каримов И. А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза / - Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 33 б.

Агар 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46-48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслар билан таъминланган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди. Шу билан бирга, 2014 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялпи ҳаражатларининг таркиби¹⁶, фоизда

Кўрсаткичлар	1991 й.	2001 й.	2010 й.	2014 й.
1. Жами ҳаражатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:				
истеъмол ҳаражатлари	81,1	84,3	78,4	78,1
Истеъмолдан ташқари ҳаражатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар)	7,1	6,9	6,2	6,0
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,4	15,9
2. Жами истеъмол ҳаражатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:				
озик-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	49,8	49,5
ноозик-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	33,7	33,8
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,5	16,7

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1991-2014 йиллар давомида жами ҳаражатлар таркибида истеъмол ҳаражатларининг улуши 81,1 фоиздан 78,8 фоизга, истеъмолдан ташқари ҳаражатлар улуши 7,1 фоиздан 6,0 фоизга қисқарган, аксинча, пул омонатлари ва жамғармалар улуши 11,8 фоиздан 15,9 фоизга ортган. Шу билан бирга, оилаларнинг истеъмол ҳаражатлари таркиби ҳам оптималлашиб бормокда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳаражатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун ҳаражатлар улуши ортиб бормокда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормокда, айтилиши вақтда ноозик-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган

¹⁶ Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мевалар истеъмоли – 6,4 карра ошди¹⁷.

Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига қараганда, 1991-2014 йилларда нон ва нон маҳсулотларининг истеъмоли камайган, аксинча, қолган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли ортган (4-жадвал).

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 25,8 фоизга ортди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 32,2 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,6 баробар, мева 3,7 баробар ва шакар 1,5 баробар ўсди. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сон, тури ўнлаб баробар ошди.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши¹⁸ (аҳоли жон бошига, килограмм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар				2012 йилда 1991 йилга нисбатан фоизда
	1991	2001	2010	2014	
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	158	92,9
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	39	125,8
Сут маҳсулотлари	183	162	239	242	132,2
Тухум (дона)	97	47	138	140	144,3

¹⁷ Каримов И. А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза / - Тошкент: Ўзбекистон, 2014, 27-бет.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Сабзавот ва полиз экинлари	107	128	238	241	225,2
Картошка	29	36	45	47	162,0
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	13	108,3
Шакар	12	16	17	18	150,0
Мева, жумладан, узум	23	42	83	85	369,5

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг ортиши билан бир қаторда асосий енгил саноат маҳсулотларининг истеъмоли ҳам кўпайиб бормоқда (5-жадвал).

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозик-овқат маҳсулотларининг катта қисми илгари республикамызда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чангютгичлар, енгил машиналар 100 фоиз, газмолларнинг қарийб 40 фоизи, барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30 фоизи четдан олиниб келинарни.

Мустақиллик йилларида юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йилдан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратила бошланганидан кейин кузатилди.

“Юртимиздаги оилаларни узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Хонадонларни холодильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобил телефон ва бошқа замонавий маиший техника воситалари билан таъминлаш даражаси ошмоқда.

5-жадвал

Асосий енгил саноат маҳсулотларининг аҳоли томонидан истеъмол қилиниши, аҳоли жон бошига¹⁹ (йил бошига нисбатан)

Кўрсаткичлар	1991 йил	2001 йил	2010 йил	2014 йил
Матолар, жами (метр)	7,1	5,6	9,7	10,0
шу жумладан:				
Пахта толасидан тайёрланган газламалар	2,2	2,2	2,9	3,0

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

(метр)				
Жув газлама (метр)	0,3	0,3	0,7	0,8
Зигир толасидан тўқилган матолар, шойи, ипак газламалар (метр)	1,8	3,2	4,6	4,7
Аралаш матолар	0,7	-	1,5	1,5
Устки кийимбоп трикотаж (дона)	0,6	1,1	2,5	2,6
Ички кийимбоп трикотаж (дона)	0,9	1,6	3,5	3,6
Чарм пойабзал (жуфт)	1,6	3,2	3,4	3,5
Пайпоқ маҳсулотлари (жуфт)	3,7	6,0	6,7	6,7

Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга²⁰.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси аввало аҳолининг иқтисодий фаровонлигини ортиб бораётганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Юртимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотларни, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Агар 2000 йилга қадар, ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли, аҳолининг асосий но озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн йилликда бу борадаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

²⁰ Каримов И. А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза / - Тошкент: Ўзбекистон, 2014, 23-б.

Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқулай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатидан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.

6-жадвал

Аҳолининг узок муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиши²¹ (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)

Кўрсаткичлар	2001 йил	2010 йил	2014 йил
Телевизорлар	88	132	133
Музлатгич ва музхоналар	86	99	101
Кондиционерлар	11	18,5	19,1
Электро чангютгичлар	30	37	38
Шахсий компьютерлар	0,2	12	14
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	24	25
Видеомагнитофон, видеоплейер ва DVD плеерлар	31	64	66
Кир ювиш машиналари	69	75	76
Мобил алоқа воситалари	18	145	149
Ўртача ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	38,9	51,5	51,7
Ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	20,1	27,1	27,2

Қайд этилган даврда мутлақо янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бугун уларни хонадон эгалари катта қизиқиш билан сотиб олмоқда: рақамли телевизор ва фотоаппаратлар, сунъий йўлдош антенналари ва мобил телефонлар, DVD плеерлар, компьютер ва унга қўшимча қурилмалар, ноутбуклар ва бошқа электрон техникалар, қурилиш материалларининг янги турлари, қадоқлаш буюмлари ва бошқа рўзғор ашёлари шулар жумласидандир. Шуниси эътиборлики, хонадонларнинг замонавий маиший ва электротехника билан таъминланиш суръатлари юртимизнинг барча ҳудудларида бир маромда, мутаносиб тарзда ўсиб бормоқда (6-жадвал).

Тадқиқот натижаларига кўра, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 133 та телевизор, 101 та


²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

музлатгич, 66 та DVD плейер, 149 та мобил телефон тўғри келиши тасдиқлайди.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг иқтисодий фаровонлиги ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ўз моҳиятига кўра, ўрта мулкдорлар синфини шаклланишига ва мамлакат фаровонлигини ортишига имкон яратмоқда.

2.3. Ўзбекистонда Марказий банкнинг депозит сиёсати ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Бозор иқтисодиёти ривожланиб борган сари аҳолининг турмуш даражасини ошириб боришга алоҳида эътибор берилади. Бунга давлатимизнинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорлиги асосида эришиш мумкин. Мустақилликка эришгандан кейинги йилларда республикамізда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Шунингдек, кўп укладли иқтисодиётни фаол шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Натижада ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати охирги етти йил ичида ҳар йили мунтазам равишда 8 фоиздан кўпроқ ошмоқда. 2014 йилда бу кўрсаткич 8,0 фоизни ташкил этди (8-расм).



8-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда²².

8-расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормокда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиздан, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 8,2 фоиз юқори бўлмокда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши, унинг жаҳондаги барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини аҳамиятли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМ юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминлади. шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари янада юксакроқ бўларди, дейишга етарли асос бор.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламокда (7-жадвал).

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш
суръатлари, фоизда²³

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2	13,5

Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 53,0 фоизни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2012 йилга нисбатан 14,8 фоизга ўсиши кузатилди.

2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил қилади. Ҳар бир тижорат банки ўз фаолиятида жалб қилинган маблағлар муҳим аҳамият касб этади, чунки Тижорат банкларининг ўз маблағлари асосан банкни ташкил қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ вазифани амалга оширса, жалб қилинган маблағлар эса банкнинг барқарор даромад олиш имкониятини таъминлаб туради. Шунинг учун ҳам ҳар бир тижорат банкининг жалб қилинган маблағларини доимий таҳлил қилиб бориш банкнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Тижорат

²³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

банкларида пухта ўйланган депозит ва кредит сиёсати бўлишини талаб қилади, банкларда ушбу сиёсатларининг тўғри ташкил этилганлиги улар орасидаги боғлиқлик ва нисбатнинг оптимал танланганлигини банкларининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўлиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банкка жалб қилиш билан боғлиқ операциялар депозит операциялари дейилади. Депозит операциялари ёрдамида Тхтижорат банкларининг 90 фоиздан ортиқ пассивлари ташкил қилиниши мумкин. Депозит операцияларини тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар. Тижорат банкининг депозит сиёсати унинг кредит сиёсати, фоиз сиёсати ва бошқа фаолият турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. депозит операцияларини амалга оширишда бу операция турининг объект ва субъектини аниқлаш лозим.

Депозит операцияларининг субъектлари бўлиб бир томондан тижорат банклари қатнашса, иккинчи томондан:

- давлат корхона ва ташкилотлари;
- молия, суғурта, инвестицион ва траст компаниялар;
- хусусий корхона ва ташкилотлар;
- акционер компаниялар;
- банклар ва бошқа кредит муассасалари;
- қўшма корхоналар, кооперативлар;
- жамоа ташкилотлари ва фондлар;
- алоҳида жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмалари қатнашадилар.

Депозит операцияларининг объекти бўлиб эҳтиёждан ортиқча пул маблағлари (қўйилмалар) ҳисобланади. Депозит операцияларини ташкил қилишнинг асоси бўлиб, баланс ликвидлиги, мижозларнинг молиявий аҳволининг барқарорлиги ҳисобланади. Депозит операциялари тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади, яъни:

- депозит операциялари банк даромадининг ошишга ёки келажакда даромад олишга шароит яратиши керак;
- банк балансининг ликвидлилигини сақлаш мақсадида депозит сиёсатини амалга ошириш керак;
- депозит операцияларини амалга оширишда муддатли қўйилмаларга эътибор қаратиш лозим;
- депозитларни жалб қилиш ва уларни вақтида қайтариб бериш билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш чораларини кўриш зарур ва бошқалар.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш ва янгилаш банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаси сифатида белгиланади. Бинобарин, бу ўз иш фаолиятини жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатиш асосида ташкил этган Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки учун ҳам ниҳоятда долзарб вазифадир (8-жадвал).


8-жадвал

Халқ банкининг депозит таркиби²⁴

Депозитлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йилда 2010 йилга нисбатан
Талаб қилиб олингунча	235906848	259962352	351527475	366157481	1,552127
ШЖПБХ жамғарма	403430515	576890147	799044072	1083585711	2,685929
Муддатли	261020708	325795300	479817869	757222806	2,901007
Жами депозитлар	900358071	1162647799	1630389416	2206965997	2,451209

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда 2010 йилга нисбатан Халқ банкининг жами депозитлари 2,45 баробарга, бунинг ичида талаб қилиб олингунча омонатлар 1,55 баробарга, ШЖПБХ жамғармаси 2,69 баробарга, муддатли омонатлар эса 2,9 баробарга ўсган. Бу маълумотларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун қуйидаги 9-расмга эътибор берамиз.

²⁴ xb.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг расмий сайт маълумотлари



9-расм. 2010-2013 йилларда Халқ банкининг умумий депозитлари таркиби, фоизда²⁵

9-расмдан кўриниб турибдики Халқ банки умумий депозитлари таркибида 2010 йилда талаб қилиб олингунча омонатлари 26 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 17 фоизни ташкил этди. Муддатли омонатлар эса 2010 йилда Халқ банкининг умумий депозитлари таркибида 29 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 34 фоизни ташкил этди. ШЖПБХ жамғарма эса 2010 йилда Халқ банки умумий депозитлари таркибида 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 49 фоизни ташкил этди.

2013 йилда монетар сиёсат «Монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» асосида амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республика Ҳукуматининг 2013 йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари, хусусан, белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан амалга оширилган пул бозоридаги операциялари муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

²⁵ xb.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг расмий сайт маълумотлари

Мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда..

Хусусан, 2013 йил давомида инфляция ва пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узок муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида диверсификацияланган мажбурий резерв нормалари қўлланилиб, тижорат банклари томонидан жалб қилинган юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатли депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2013 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 463,1 млрд сўмга ёки йил бошига нисбатан 25,2 фоизга кўпайди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига қўшимча равишда 1,2 млрд доллар миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тижорат банкларининг депозит сиёсати Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати таъсир кўрсатади. Мажбурий захира меъёрларининг оширилиши тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини пасайтиради. Бундан ташқари, мажбурий захира меъёрларининг оширилиши банкларнинг ликвидлилигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ривожланган индустриал мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Германия ва Австрияда мажбурий захира меъёрлари депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилган. Депозитнинг суммаси қанчалик катта бўлса, унга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира меъёри ҳам шунчалик юқори бўлади (9-жадвал).

Мажбурий резервлар меъёрлари²⁶

Амал қилиш муддати	Юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитлар учун	Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатли депозитлар учун	Юридик шахсларнинг 3 йилдан ошiq муддатли депозитлар учун	Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари учун
1994 йил 1 майдан		30	10	30
1995 йил 1 январдан		25	10	25
1996 йил 1 июлдан		25	10	
1997 йил 1 декабрдан		20	10	
2000 йил 1 майдан		20		
2005 йил февралдан		15		5
2005 йил 1 августдан		15		8
2007 йил 1 сентябрдан			13	
2008 йил 1 ноябрдан			15	
2009 йил 1 сентябрдан	15	12	10,5	Чет эл валютасидаги депозитлар учун ҳам шу меъёрлар ўрнатилган

9-жадвал маълумотларидан кўриняптики, Марказий банкнинг мажбурий захиралар меъёри олдинги йиллардан фарқли равишда, жалб этилаётган депозитлар муддатидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тарзда белгиланган. Бу эса тижорат банкларининг кредит таклифига ижобий таъсир этади ва бу жараённинг ўзи монетар сиёсатнинг такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди. Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан

²⁶ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2013 йилда йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинди ҳамда у 2014 йил 1 январдан бошлаб 10 фоизга туширилди (10-жадвал).

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1994-2014 йилларда
қайта молиялаш ставкалари²⁷

Амал қилиш муддати	фоизда
2015 йил 1 январдан	9
2014 йил 1 январдан	10
2011 йил 1 январь – 2013 йил 31 декабрь	12
2006 йил 15 июль – 2010 йил 31 декабрь	14
2006 йил 1 январь - 2006 йил 14 июль	16
2004 йил 21 декабрь – 2005 йил 31 декабрь	16
2004 йил 5 июль - 2004 йил 20 декабрь	18
2003 йил 10 сентябрь – 2004 йил 4 июль	20
2003 йил 16 июль - 2003 йил 9 сентябрь	24
2002 йил 1 январь - 2003 йил 15 июль	30
2000 йил 1 июль – 2001 йил 31 декабрь	24
2000 йил 1 июнь - 2000 йил 30 июнь	27,6
2000 йил 1 май - 2000 йил 31 май	28,8
2000 йил 1 апрель - 2000 йил 30 апрель	30
1998 йил 1 январь – 2000 йил 31 март	36
1997 йил 1 ноябрь – 1997 йил 31 декабрь	30
1997 йил 1 январь – 1997 йил 31 октябрь	39,6
1996 йил 1 август – 1996 йил 31 декабрь	48
1996 йил 1 июль - 1996 йил 31 июль	60
1995 йил 1 август – 1996 йил 30 июнь	84
1995 йил 1 июль - 1995 йил 31 июль	120
1995 йил 20 март – 1995 йил 30 июнь	300
1995 йил 1 февраль - 1995 йил 19 март	250
1994 йил 1 октябрь – 1995 йил 31 январь	225
1994 йил 2 май – 1994 йил 30 сентябрь	150

10-жадвал маълумотларига кўра, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси мустақилликнинг дастбалки йилларида катта тебранишларга эга бўлган ва унинг даражаси 300% гача кўтарилган. 2015 йилнинг январь ойидан бошлаб, 9% қилиб белгиланди. Бу кўрсаткич эса жаҳон амалиётига тўла мос келади.

²⁷ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодий кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.


Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

2013 йилда республикадаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда Марказий банк томонидан қатъий монетар сиёсатининг юритилиши, ўз навбатида, мамлакатимизнинг пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари динамикасида, жумладан, тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича ҳамда банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкаларида ўз аксини топди.

Хусусан, 2013 йил давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар даромадининг ошиши ҳисобига республикамиздаги молия институтлари ресурс базасининг кенгайиши банклараро пул бозоридаги ресурслар таклифининг кўпайишига ва ўз навбатида, молиявий ресурслар нархининг арзонлашишига сабаб бўлди (10-расм).


Хусусан, 2010 йил давомида йиллик ҳисобда 8,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 8,5 фоизга тенг бўлди.

Жумладан, 2012 йил давомида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йиллик ҳисобда 10,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 9,9 фоизга тенг бўлди.



10-расм. Пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари²⁸

Мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ва унга мос равишда аҳоли даромадларининг йилдан-йилга юқори суръатлар билан ўсиши, банк тизимида бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляциян кутилмаларнинг пасайиб бориши каби омиллар таъсирида 2013 йилда банк депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди (11-расм).



11-расм. Юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги жамғарма ва муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси²⁹

²⁸ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

²⁹ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги жами депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2010 йилдаги ўртача йиллик 9,9 фоиздан 2013 йилда 7,1 фоизгача пасайди.

Юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари ўртача тортилган фоиз ставкалари 2010 йилдаги ўртача йиллик 6,1 фоиздан 2013 йилда 6,0 фоизгача пасайди.

Шунингдек, банклараро пул бозоридаги операциялар ҳамда депозитларни жалб қилиш бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида тижорат банкларининг актив операциялари бўйича, жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди.

Жумладан, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2012 йил декабрь ойида 13,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 13,0 фоизгача пасайди.

II – боб бўйича хулосалар.

Хулоса қилиб айта оламизки, Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи ҳаражатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун ҳаражатлар йўналиши пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Юртимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотларни, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқулай маиший ва электротехника

буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатидан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.

Жамғармаларни инвестицияларга айлантириш мамлакат иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланиб, бу борада бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига жалб қилиш энг мақбул ечимлардан бири ҳисобланади.

Қайта молиялаш ставкасининг ҳозирги даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айни пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ва унга мос равишда аҳоли даромадларининг йилдан-йилга юқори суръатлар билан ўсиши, банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиб бориши каби омиллар таъсирида банк депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди

Шунингдек, банклараро пул бозоридаги операциялар ҳамда депозитларни жалб қилиш бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида тижорат банкларининг актив операциялари бўйича, жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди.

III-боб. Ўзбекистон Республикасида истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлаш йўналишлари.

3.1. Истеъмол ва жамғарма функциялари мутаносиблигини таъминлашда аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб қилишнинг роли ва устувор йўналишлари.

Бугунги кунда банкларда омонатларининг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда уларни бартараф этиш борасида кўрилиши керак бўлган қўшимча чора-тадбирлардир. Бу ўринда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.³⁰

Ушбу масалаларининг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тўғрисида»ги ПФ-4053 сонли Фармониغا асосан, тижорат банклари ўз балансига қабул қилган ночор ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий соғломлаштиришни ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйилишини тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси тижорат банклар иштирокида, ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, уларни техникавий ва технологик модернизациялаш, қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Корхонани ночорликка қарши бошқариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

³⁰ И. А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф ---- йўллари ва чоралари» иқтисодиёт-2009 бет 109-111

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитли ресурс манбаларининг ҳажми ва барқарорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган куйидаги муаммоларни келтириб ўтиш мумкин:

- республикамиз тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитлар салмоғининг халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги;

- мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланилаётганлиги, аммо талаб қилиб олинаётган депозитлар реал фоиз ставкасининг жуда паст эканлиги уларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш жараёнига салбий таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги мазкур қарорнинг эълон қилиниши билан тижорат банклари аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолиятларини жадаллаштиришдилар, банк хизматлари тўғрисида аҳолининг хабардорлилик даражаси ошди, ҳамда кўплаб янги жозибадор омонат турлари жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Раҳбарининг 2008 йил 11 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ФП-4057 сонли Фармонига мувофиқ омонатларнинг миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда 100 фоиз тўлов асосида қоплаб берилиши кафолатланди.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларнинг узлуксиз давомийлиги сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик

субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-1090 Қарори қабул қилинди.³¹

Депозит сиёсатини юритиш элементларининг асоси бўлган банк сиёсати ресурсларни жалб қилишга асосланган тарзда, банкнинг актив ва мақсад қилиб қўяди. Мазкур мақсадларга эришиш учун қуйидаги ечимларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- банкнинг депозит операцияларини амалга оширишнинг устувор йўналиши даромад олиш шарт-шароитларини яратиш;
- банкнинг ликвидлилик даражасини меъёрга сақлаш;
- депозит турларини ва турли хил шакллари сингдириш ва улар орасида диверсификация инструментларини қўллаш;
- депозит операциялар орасида мутаносибликни олиб бориш, яъни ажратилаётган ссуда кўринишидаги кредитлар, депозитлар ва кредит қўйилмалар орасидаги даврий узилишни бошқариш;
- банкнинг депозит ҳисоб рақамларида бўш пул маблағларини камайтириш;
- тўғри белгиланган фоиз сиёсатини олиб бориш;
- доимий равишда жалб қилинган ресурслар бўйича шаклланаётган фоизли ҳаражатлар миқдорини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- миждозларга хизмат кўрсатишда банк хизматларини ривожлантириш эвазига банк ходимлари орасида сифат ва маданиятни ривожлантириш.

Банкнинг турли хил депозит депозитшакллари таҳлил қилишда бир маромда ривожланиб бораётган депозит тури талаб қилиб олингунча шарти асосида бўлиб, у фоиз ставкасининг меъёрига боғлиқлиги бўлмаслиги сабабли, фақатгина хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигига боғлиқ бўлади.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган барча тижорат банклари «Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт

³¹ «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-1090 Қарори

энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингига эга бўлди.

Шунингдек, республика банк тизими капиталлашув ва ликвидлилик даражаларини ошириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда банк тизимини халқаро меъёр ва андозаларга мувофиқ янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар натижалари жаҳон ҳамжамияти, халқаро молия ва рейтинг ташкилотлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Хусусан, 2014 йилнинг 8 август куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи» навбатдаги ҳисоботини эълон қилиб, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболини кетма-кет бешинчи йил «барқарор» даражада тасдиқлади.

«Мудис агентлигининг фикрича, 2010 йилдан буён банк тизими ривожланишининг истиқболи «барқарор» даражада сақланишида, аввало, банклар фаолияти учун қулай шарт-шароит яратаётган мамлакат иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиб бориши, шунингдек, банклар даромадлилигининг ижобий кўрсаткичлари ва активлари сифатининг яхшиланиши, ликвидлик даражасининг барқарорлиги, мижозлар депозитларининг ўсиб бориши, ҳукумат томонидан йирик банкларга йўналтирилаётган сезиларли молиявий ресурслар асосий ижобий омиллар бўлиб хизмат қилди.

«Стандарт энд Пурс» ҳамда «Фитч Рейтингс» халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиш йўлида эканлиги эътироф этилиб, улар томонидан Ўзбекистон банкларига «барқарор» рейтинг баҳолари берилган.

Ўз навбатида инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш ва ташқи омилларнинг инфляцияга таъсирининг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан 2015 йилда ҳам монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланилади.

Жумладан, тўлов балансини прогноз кўрсаткичларини ва Марказий банкнинг ҳукуматга бўлган соф талабларининг ўзгариш динамикасини ҳисобга олиб, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимининг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан амалга ошириладиган стерилизация операциялари ҳажмини 1,2 мартага ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, фоиз сиёсатида асосий эътибор пул бозорининг барқарорлигини ва банк депозитлари жозибадорлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги узоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шунингдек, иқтисодиётининг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга қаратилади.

Марказий банк 2015 йилда ички ва ташқи молия бозорларидаги ўзгаришларни инобатга олиб, монетар сиёсатнинг тегишли бозор инструментларининг самарадорлигини янада ошириш ва кўрилаётган чора-тадбирларнинг пул бозори ҳолатига таъсирини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб борилади.

Банк тизими ликвидлигини доимий равишда мониторинг қилиш орқали тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидаги ва бошқа юқори ликвидли активларининг ҳаракати таҳлил қилиб борилади ва уларнинг энг мақбул даражада бўлишини таъминлаш учун Марказий банк томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мажбурий резервлар нормаси банк тизимининг ликвидлик даражаси пул массаси ва тижорат банклари кредит қўйилмаларини ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, зарур ҳолларда ўзгартириб борилади.

Шунингдек, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимининг олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг тижорат банклари бўш

турган пул маблағларини Марказий банкдаги турли муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш тизимини бозор тамойиллари асосида янада такомиллаштириш фойиз сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва пул бозорида фойиз хатарларини пасайтириш имконини беради.

2014 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» Дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк фаолиятига оид бошқа фармон ва қарорларида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилади.

Хусусан, 2014 йилда республика банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва халқаро андозаларга мувофиқ ривожланишини таъминлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини кенгайтириш таъминлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1. Банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар доирасида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро талаблар, жумладан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади.

Хусусан:

- Базель қўмитасининг капитал етарлилиги ва банк ликвидлиги борасидаги янги тавсияларини жорий қилиш бўйича ишларни давом эттириш;

- банклар фаолиятининг аниқ ва ходис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

- масофавий назорат тизимини бу соҳадаги илғор халқаро тажриба асосида янада такомиллаштириш;

- банк тизимидаги тизимли таваккалчиликларни аниқлашга қаратилган макропруденциал таҳлилнинг замонавий усуллари кенг қўллаш;

- илғор халқаро тажрибага асосланган ҳолда тижорат банкларини стресс-тестлардан ўтказиш амалиётини кенг қўламда жорий қилиш ва ривожлантириш;

- тижорат банкларидаги корпоратив бошқарув органлари ролини ва масъулиятини ошириш ҳамда корпоратив бошқарув, таваккалчиликлар ва капитални бошқариш тизимларига белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банклар кредиторлари ва омонатчиларининг ҳимояланиш даражасини ошириш ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектлари орасида банк тизимига бўлган ишончнинг янада ошишига хизмат қилади.

2. тижорат банклари капиталлашув даражасини янада ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ва диверсификациялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади.

Бунда асосий эътибор қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш борасидаги ишларни жадаллаштириш ҳисобига банклар капиталлашув даражасининг камида 20 фоизга ошишини таъминлашга қаратилади.

Шунингдек, банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори улушини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ишлар давом эттирилади.

2014 йилда тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишни янада фаоллаштириш ҳисобига уларнинг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмининг камида 30 фоизга ошишини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Банклардаги депозитлар ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича ижроси мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Бунда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва муддатида қайтариш шароитларини янада қулайлаштириш ҳамда узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш борасидаги ишларни давом эттириш кўзда тутилмоқда.

3. Тижорат банкларининг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастурларини амалга ошириш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш 2014 йилда ҳам банк тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

2014 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредит қўйилмалари ҳажмининг 26 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, корхоналарни модернизация қилиш, жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларида якка тартибдаги янги турар жойларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 7,8 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Жумладан, қишлоқ жойларида якка тартибдаги янги турар жойларни барпо этиш мақсадларига 1,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратиш прогноз қилинмоқда. Шундан 231 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан берилади.

Шу билан бирга, иқтисодий кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кредит хатарларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари томонидан активларни диверсификация қилиш, шу жумладан, кредит портфелини яхшилаш, таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган зарур чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилади.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2015 йилда тижорат банклари томонидан жами 7,5 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Бунда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бошланғич капиталини шакллантириш, уларнинг инвестицион лойиҳалари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмларини кенгайтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиялаштириш, айниқса, қишлоқ жойларида иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган микромолиявий хизматлар ҳажмларини кенгайтиришга қаратилади.

Шу билан бирга, мамлакатда янада қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш узлуксиз давом эттириш мақсадида ушбу сектор иштирокчилари учун молия-кредит ресурслардан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари, механизмлари ва амалиёти такомиллаштириб борилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш ишлари фаоллаштирилади.

6. Микромолиялаш соҳасини ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш.

2014 йилда нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади ва ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мўлжалланмоқда:

- нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андозалар асосида янада такомиллаштириш;
- нобанк кредит ташкилотлари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;
- нобанк кредит ташкилотлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, дастурий таъминотлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларни тайёрлашни кенг жорий этиш;
- республика ҳудудларида кам таъминланган оилалардаги аёлларга имтиёзли ресурслар, шу жумладан, халқаро молия институтлари, инвесторлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан микрокредит ва микроқарзлар ажратишга ихтисослашган нобанк кредит ташкилотларини ташкил этиш ва узлуксиз иш фаолиятини таъминлаш ишларини давом эттириш.

3.2. Аҳоли жамғармаларидан инвестиция сифатида фойдаланишнинг инновацион йўллари

Мамлакатимизда иқтисодиёт ривожланиб бораётган бир вақтда, уни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш жараёни янада янги қарорлар қабул қилишни ва янги усуллардан фойдаланишни талаб этади.

Ҳозирги кунда самарали фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари сони тобора ошиб бормоқда. Бу ҳам бўлса мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун яратилган қулай шароитлар натижасидир. Бунинг яққол исботи сифатида 2014 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга

ошганини айтишимиз мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.³²

Демак бизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятимиз бор деб бемалол айтишимиз мумкин. Лекин аҳолининг қўлидаги бўш маблағлардан яъни уларнинг жамғармаларидан кенг қўламда фойдаланишни йўлга қўйиш янада юксак натижаларга эришишимизга сабаб бўлади. Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажақдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб бориши экан, уларга бундай имкониятни тақдим этиш орқали жамғармалардан кенг фойдаланишга эришамиз.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини бошлашда фақатгина иккита муаммога дуч келишимиз мумкин:

- 1) Капитал;
- 2) Тадбиркорлик қобилияти.

Мана шу икки ишлаб чиқариш омили асосий тўсиқ бўлиши мумкин. Қолган омилларни ечиш бугунги кунда ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Биз капитални ҳам муаммо сифатида кўрсатмаслигимиз мумкин эди. Чунки барча тижорат банкларимиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари асосида улар учун кредит линияларини очишга тайёр. Лекин Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 6 та асосий тамойилларидан бири бўлмиш “хавфсизлик” тамойили барча хоҳловчилар учун ушбу кредит линияларидан фойдаланиш имкониятини бермайди. Бунда тижорат банкларини айблаш ҳам нотўғри. Ахир мана шу тамойилларга қатъий амал қилинганлиги учун ҳам «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Республикамиздаги барча 26 та тижорат

³²Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
<http://mineconomy.gov.uz/uz/node/787>

банкларининг 2014 йилдаги фаолиятини «барқарор» деб баҳоланмоқда. Шунинг учун ҳам биз альтернатив йўллари қидиришимиз даркор.

Аҳоли жамғармаларини кенг жалб қилишда инновация сифатида ғоялар ярмаркасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг миқёсда ёритишни таклиф этамиз. Ғоялар ярмаркаси чет элларда ижобий натижа берган технопаркларга ўхшаш лекин ўзгача кўринишга эга ярмаркадир. Бу ҳар фаслда (кейинчалик ҳар ойда) ташкил этилади ва кўргазмали шаклга эга бўлади. Ундаги иштирокчилар ўз ғояларини тақдим этадилар ва потенциал инвесторларни жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Тақдимот жараёнида иштирокчилар турли усуллардан фойдаланишлари мумкин. Масалан: ғоянинг тушунтирилиши, слайдлар, видеороликлар ёки тайёр маҳсулот тақдимоти. Ярмарка меҳмонлари эса потенциал инвесторлар бўлиб, ўзларининг бўш турган жамғармаларини даромад олиш мақсадида ўзларига маъқул келган лойиҳаларга инвестиция сифатида киритадилар. Шу тариқа улар “START UP”ларни фаолиятларини бошлашларига имконият яратадилар. Бу билан бирга ярмаркада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз фаолиятларини кенгайтириш мақсадида иштирок этишлари мумкин. Ярмарканинг асосий жиҳати шундаки, унда кичик маблағни талаб қилувчи лойиҳалар ҳам кўп бўлиши кўзда тутилган. Яъни аксарият аҳолининг имкониятлари даражасидаги турли лойиҳалар мавжуд бўлади. Шу билан бирга лойиҳалар айнан инновацион бўлиши талаб этилмайди, балки оддий ва реал ғоялар кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. Шу билан бирга инновацион ғоялар ҳам ўтказиладиган ярмаркаларнинг кўрки бўлиши мумкин. Аҳолини ушбу фаолиятга жалб қилиш учун эса оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг ноанъанавий усулларини ишлатиш талаб этилади. Турли промо роликлар ва қизиқтирувчи кетма-кетликлар орқали амалга оширилади. ғоялар ярмаркаси бутун Республика миқёсида ташкил этилиб, ҳар бир ҳудуд ўз ярмаркасига эга бўлади. Бунга ўхшаш кўргазмалар мамлакатимизда авваллари ҳам ташкил этилган аммо бундай андозадаги ярмарка кузатилмаган.

Ўтказиладиган ярмаркалар натижасида аҳолининг бўш турган жамғармалари фаол инвестицияларга айлантирилиб ўз эгаларига даромад келтиришига, бўш иш ўринларининг яратилиши ва иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади. Ҳолатлар ярмаркасининг оқилона юритилиши ва риволантирилиши юртимиз иқтисодиётига сезиларли туртки бўлиши аниқ.

III – боб бўйича хулосалар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, банкнинг турли хил депозит депозитшакллари таҳлил қилишда бир маромда ривожланиб бораётган депозит тури талаб қилиб олингунча шарти асосида бўлиб, у фоиз ставкасининг меъёрига боғлиқлиги бўлмаслиги сабабли, фақатгина хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигига боғлиқ бўлади.

2014 йилда Республикамизда фаолият юритаётган 26та тижорат банкларининг барчаси, «Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингига эга бўлди.

Шунингдек, республика банк тизими капиталлашув ва ликвидлилик даражаларини ошириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда банк тизимини халқаро меъёр ва андозаларга мувофиқ янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар натижалари жаҳон ҳамжамияти, халқаро молия ва рейтинг ташкилотлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ўз навбатида инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш ва ташқи омилларнинг инфляцияга таъсирининг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан 2015 йилда ҳам монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланилади.

Аҳоли жамғармаларини кенг жалб қилишда инновация сифатида ғоялар ярмаркасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг миқёсда ёритишни таклиф этамиз

Ўтказиладиган ярмаркалар натижасида аҳолининг бўш турган жамғармалари фаол инвестицияларга айлантирилиб ўз эгаларига даромад келтиришига, бўш иш ўринларининг яратилиши ва иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади. ғоялар ярмаркасининг оқилона юритилиши ва риволантирилиши юртимиз иқтисодиётига сезиларли туртки бўлиши аниқ

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Миллий иқтисодийнинг яратишдан ҳосил бўлган миллий даромад истеъмол ва жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади. Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади.

Истеъмол якка тартибда ва жамоа бўлиб истеъмол қилинади ва уларни фарқи бўлади. Алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши якка тартибдаги истеъмолга, жамият аъзолари турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиш жамоа бўлиб истеъмол қилишни билдиради.

Мамлакатда истеъмол товарлари бозорини шакллантириш учун қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: аҳоли тўлов қобилияти; оммавий ахборот воситалари; мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит; ҳукумат ташкилотлари ва бошқа қонун чиқарувчи органлар; фан ва техниканинг ривожланиш ҳолати; маданият ва миллий анъаналар даражаси; аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби; нарх-наво ва бошқа омиллар.

Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб боришидир.

Жамғариш фонди – бу барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташланса унинг ҳажмини ташкил қилади. Барча хўжаликлар даромади қуйидаги йиғиндидан иборат бўлади.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни ошириш иқтисодий ва салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Масалан, унинг хаддан ташқари ортиши натижасида инвестицион сарфлар самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин.

Аҳоли жамғармалари турли хил кўринишда ташкил этилади. Жамғарма банклари ва бошқа кредит муассасалари томонидан ўзига жалб қилинадиган аҳолининг истеъмолдан ортиқча пул даромадлари бошқа жамғармаларга нисбатан каттароқ улушни ташкил қилади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллий даромаднинг ҳажми ва унинг ўзгариши ҳисобланади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига даромаддан ташқари яна бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Объектив омиллар алоҳида истеъмолчининг ихтиёрига, идрокига боғлиқ бўлмаган омиллардан иборат бўлиб, булар барча ҳўжаликлар томонидан жамғарилган мол-мулк даражаси, нархлар даражаси, реал фоиз ставкалари, истеъмолчининг қарздорлиги даражаси, истеъмолчиларни солиққа тортиш даражаси.

Хулоса қилиб айта оламизки, Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи ҳаражатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун ҳаражатлар йўналиши пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Юртимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотларни, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу

жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқулай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатидан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.

Жамғармаларни инвестицияларга айлантириш мамлакат иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланиб, бу борада бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига жалб қилиш энг мақбул ечимлардан бири ҳисобланади.

Қайта молиялаш ставкасининг ҳозирги даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ва унга мос равишда аҳоли даромадларининг йилдан-йилга юқори суръатлар билан ўсиши, банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляциян кутилмаларнинг пасайиб бориши каби омиллар таъсирида банк депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди

Шунингдек, банклараро пул бозоридаги операциялар ҳамда депозитларни жалб қилиш бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида тижорат банкларининг актив операциялари бўйича, жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, банкнинг турли хил депозит депозитшакллари таҳлил қилишда бир маромда ривожланиб бораётган депозит тури талаб қилиб олингунча шарти асосида бўлиб, у фоиз

ставкасининг меъёрига боғлиқлиги бўлмаслиги сабабли, фақатгина хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигига боғлиқ бўлади.

2014 йилда Республикамизда фаолият юритаётган 26та тижорат банкларининг барчаси, «Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингига эга бўлди.

Жамғармаларни тижорат банларига фаол жалб қилиш учун, депозит сиёсатини юритиш элементларининг асоси бўлган банк сиёсати ресурсларни жалб қилишга асосланган тарзда мазкур мақсадларга эришиш учун қуйидаги ечимларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- банкнинг депозит операцияларини амалга оширишнинг устувор йўналиши даромад олиш шарт-шароитларини яратиш;
- банкнинг ликвидлилик даражасини меъёрда сақлаш;
- депозит турларини ва турли хил шакллари сингдириш ва улар орасида диверсификация инструментларини қўллаш;
- депозит операциялар орасида мутаносибликни олиб бориш, яъни ажратилаётган ссуда кўринишидаги кредитлар, депозитлар ва кредит қўйилмалар орасидаги даврий узилишни бошқариш;
- банкнинг депозит ҳисоб рақамларида бўш пул маблағларини камайтириш;
- тўғри белгиланган фоиз сиёсатини олиб бориш;
- доимий равишда жалб қилинган ресурслар бўйича шаклланаётган фоизли ҳаражатлар миқдорини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- миждозларга хизмат кўрсатишда банк хизматларини ривожлантириш эъвазига банк ходимлари орасида сифат ва маданиятни ривожлантириш.

Ўз навбатида инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш ва ташқи омилларнинг инфляцияга таъсирининг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан 2015 йилда ҳам монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланилади.

Аҳоли жамғармаларини кенг жалб қилишда инновация сифатида ғоялар ярмаркасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг миқёсда ёритишни таклиф этамиз

Ўтказиладиган ярмаркалар натижасида аҳолининг бўш турган жамғармалари фаол инвестицияларга айлантирилиб ўз эгаларига даромад келтиришига, бўш иш ўринларининг яратилиши ва иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади. ғоялар ярмаркасининг оқилона юритилиши ва риволантирилиши юртимиз иқтисодиётига сезиларли туртки бўлиши аниқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун. «Халқ сўзи», 1996 й., 97 (1350)-сон
3. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. «Халқ сўзи», 2014 й., 238 (6168)-сон
4. Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун. «Халқ сўзи», 1999 й., 7 (2045) -сон

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015 -2019 йилларда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” тўғрисидаги фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПП-2313-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш Дастури” тўғрисидаги қарори. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сон қарори. www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.–Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. –Т: Ўзбекистон, 2011.

3.И.А.Каримовнинг «2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир». -Т.: Ўзбекистон, 2015. - 36 б.

4.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 12 ноябрь (№ 220).

5.Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

6.Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

7.Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қаъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, №13(5687).

IV. Асосий адабиётлар

1.Шодмонов Ш. Ш., Ғофуров У. В. Иқтисодийёт назарияси. Т. : " Фан ва технология ", 2005й.

2. Қобилов Ш. Р.. Иқтисодийёт назарияси. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013й.

3. Ўлмасов А., Ваҳидов А. Иқтисодийёт назарияси. Т.: " Шарқ " , 2006й.

4. Шодмонов Ш. Алимов Р. Иқтисодийёт назарияси. Т.: " Молия ", 2002й.

5. Зокирова Н.Қ.,Н.Т.Шоюсупова ва б. “”Аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш”(назарий ва амалий жиҳатлар).Монография. Т.:Fan va texnologiya”,2011.- 211б.

6. Кейнс Дж. М. “Избранные произведения”. - М.: Экономика, 1993 г.

7. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: Прогресс, 1978.

8. Гулямов С.С, Ахмедов Д.К., Шодиев Т.Ш. Актуальную проблемы экономики Узбекистана переходного периода. Т: Книжно-журнальная фабрика. 1996.

Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. 58-71 Б.

9. Севлякянц Г.С., Ходжаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан. Т: Мерос, 1993. -183с.

10. Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов. - М.: Соц.энцикл, 1962,-С.332.

V. Қўшимча адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 б.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, Т.: “Иқтисодиёт” 2010.-281 б.

3. Буланов И.С, Волгин Р.А. Рынок труда.Учебник. – М.: Экзамен, 2007. – 479с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги “Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 71-сонли қарори. www.lex.uz.

2. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2010-2014 гг.- Т.: 2010-2012.

3.Узбекистан в цифрах. Статсборник. – Т.:2011-2014 гг

4. Ўзбекистон Иқтисодиёти. //Таҳлилий шарҳ.- Т.: «Ўзбекистон», 2012.- 95 б.

5.Труд и занятость в Республике Узбекистан. Статистический сборник. – Т.: ООП Государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике, 2012. – www.stat.uz.

6. “Халқ сўзи” газетасининг 2012-2014 йиллардаги сонлари.

VII.Интернет Сайтлари

1. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси)

2. www.bearingpoint.uz (Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сийсий ҳолати ҳақидаги статистик маълумотлар)

3. www.cer.uz (“Экономический обзор” журналі)

4. <http://www.mintrud.uz> - Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги